

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**48-сон**  
**(860)**  
**2018 йил**  
**3 декабрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

913. «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон Фармони
914. «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5583-сон Фармони
915. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ–5584-сон Фармони
916. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгар-

- тишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПФ–5586-сон Фармони
917. «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ–5587-сон Фармони
918. «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПҚ–4028-сон қарори
919. «Қимматбаҳо металлари олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4030-сон қарори
920. «Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ–4035-сон қарори
921. «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон қарори
922. «Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги ПҚ–4039-сон қарори
923. «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ–4040-сон қарори
924. «Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ–4041-сон қарори
925. «Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усуллари жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ–4042-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

926. «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 965-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

927. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 11-мх, 11/ққ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралиқ, босқичли ва якуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3090*)
928. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 6 ноябрдаги 72, 01-02/12-65, 139, 11-сон «Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3091*)
929. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 26 ноябрдаги 125-н-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-94) 2-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-3*)
930. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 533-мх-сон «Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3092*)
931. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 30 октябрдаги 2018-12-сон «Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачисининг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-5*)
932. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 31 октябрдаги 205-сон «Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3093*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 24 ноябрдан 30 ноябргача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **913 Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар тизимли асосда амалга оширилмоқда.

Кўзланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан божхона органлари фаолияти самарадорлигига боғлиқ.

Шу билан бирга, божхона маъмуриятчилиги соҳасида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолинмоқда.

Амалдаги божхона тартиб-таомиллари халқаро норма ва стандартлар талабларига тўлиқ жавоб бермайди, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун ортиқча вақт ва молиявий сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона қонунчилигига риоя этишлари ва ҳалол тадбиркорларни рағбатлантириш, улар учун маъмурий тўсиқларни камайтириш бўйича деярли ҳеч қандай механизмлар қўлланилмапти.

Божхона органларининг самарасиз ва ортиқча назорат функциялари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келмоқда.

Божхона органлари ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаслик коррупция ҳолатлари профилактикаси ва умуман тизимнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг:

2019-2020 йилларда «Яллама» ва «С. Нажимов» (Тошкент вилояти), «Дўстлик» (Андижон вилояти), «Олот» (Бухоро вилояти);

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

2020-2021 йилларда «Доут-ота» (Қорақалпоғистон Республикаси), «Маданият» (Андижон вилояти), «Ўзбекистон» (Фарғона вилояти), «Ғишткўприк» ва «Ойбек» (Тошкент вилояти) божхона постлари ҳудудларига туташ жойларда замонавий божхона терминалларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

2. Белгилансинки:

божхона терминалларидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асосий функциялари «ягона дарча» тамойили асосида божхона, банк, логистика, тезкор-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари божхона терминаларида кўрсатиладиган тижорат хизматларидан ихтиёрий равишда фойдаланадилар.

3. Хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими қўйидагиларни қўлланган ҳолда тўлиқ режимда жорий этилсин:

а) 2018 йил 1 декабрдан бошлаб:

«сарик йўлак», бунда божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

«қизил йўлак», бунда божхона назорати шакллари хавф даражаси юкори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

б) 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

«яшил йўлак», бунда хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди;

«кўк йўлак», бунда хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади.

4. Қўйидагилар:

Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ;

чегара божхона постлари ҳудудларига туташ жойларда божхона терминалларини қуриш тармоқ жадвали 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитаси» ва тармоқ жадвалида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан қатъий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимовга — «Йўл харитаси» ва тармоқ жадвалида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва самарали бажарилиши, хавфларни автоматлаштирилган бошқариш тизимини сифатли жорий этиш ҳамда фойдаланиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент, Бухоро,

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларига — «Йўл харитаси» ва тармоқ жадвалларида назарда тутилган объектларни куриш ҳамда ишга тушириш юзасидан зарур рухсат этиш кўринишига эга ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

5. 2019 йил 1 февралдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган талабларга жавоб берадиган, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳалол иштирокчиларига соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ ваколатли иқтисодий операторлари институтининг жорий этилиши;

Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексининг божхона постларида бепул асосда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона юк декларациясини тўлдириш бўйича хизмат кўрсатувчи махсус шахслар гуруҳи — «фронт-офис» тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича дастлабки лойиҳа (кейинги ўринларда — дастлабки лойиҳа) амалга оширилиши белгилансин.

Дастлабки лойиҳанинг харажатлари, шу жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилинадиган шахсларга иш ҳақини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси (кейинги ўринларда — Махсус жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилсин.

Дастлабки лойиҳа доирасида божхона юк декларациясини тўлдириш учун тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 2019 йил 1 декабрга қадар дастлабки лойиҳа натижаларини Давлат божхона қўмитасининг бошқа ҳудудий бошқармалари фаолиятига жорий этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходими ўрнатилган тартибда тасдиқланган товарларни кўздан кечириш ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага асосан хавфларни автоматлаштирилган бошқариш тизими буюрган божхона операцияларини бажаришга мажбур;

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси томонидан товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви учун сарфлайдиган вақти божхона постлари ходимлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Шу билан бирга, божхона расмийлаштируви вақти тўғрисидаги статистик ахборот ҳар ойда барча божхона постлари кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

«Сарик» ва «қизил» йўлаклар мос равишда 70 ва 30 фоиз нисбатда товар ва транспорт воситаларининг хавф профиллари ёки тасодифий танлаш

асосида қўлланилади. Шу билан бирга, «яшил» ва «қўк» йўлаклар амалга киритилган кундан бошлаб, мазкур хатбошида кўрсатилган фоиз нисбати Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан хавфни бошқариш тизимини қўллаш самарадорлиги мониторинги асосида белгиланади;

«қўк йўлак»ка йўналтирилган товарларга нисбатан божхона назорати белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади;

2019 йил 1 мартдан бошлаб, олиб кириладиган товарларнинг божхона кўриги фақат уч ой давомида божхона кўриги процедураси видеоёзуви сақланишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг уланишини таъминловчи видеокузатув тизими билан жиҳозланган жойларда амалга оширилади.

7. Барча товарларга нисбатан экспорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб бекор қилинсин.

8. Белгилансинки:

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффицентлари 1,7 карра миқдорда қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг марказий аппарати, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва ихтисослаштирилган божхона комплекслари, шунингдек, Миллий кинология маркази ходимларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига устамалар 50 фоизни ташкил этади;

мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Махсус фонд маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

божхона йиғимлари тушумининг 50 фоизи миқдордаги ажратмалар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ фойдаланиш шarti билан Махсус жамғармада қолади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисига ўзининг хизмат вазифасини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг юқори малакали, ташаббускор ходимларига Махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳнатига ҳақ тўлаш фонди (пул таъминоти)нинг 100 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизмат ўтаётган ходимларга нисбатан «гаупвахтада ҳибсда ушлаб туриш» интизомий жазо чораси киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2019 йил 1 январга қадар ваколатли иқтисодий оператор мақомини,



шунингдек, содалаштирилган божхона тартиб-таомиллари шакллари на-зарда тутувчи Ваколатли иқтисодий оператор тўғрисидаги низомни тасдиқ-ласин;

бир ойлик муддатда божхона йиғимлари ставкалари турларини мақбул-лаштириш ва қатъий белгилаган ҳолда уларнинг янгиланган ставкаларини тасдиқласин;

2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳуқуқий таъсир чораларини кучайтириш, жумладан, божхона қиёслаш воситаларига шикаст етказганлик учун жарима санкциялари миқдорини оши-риш бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Рес-публикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 4-илова-га мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

2019 йилнинг 1 февралига қадар ташқи иқтисодий фаолият иштирокчи-лари мурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-таомилларини содалаштириш мақсадида баъзи ваколатларни божхона постларига бериш орқали ҳудудий бошқармалар ва божхона постлари ўртасидаги ваколатларнинг тақсимлани-шини танқидий кўриб чиқсин;

товарларни импорт қилишда ташқи иқтисодий фаолият товар номенк-латураси кодлари тўғри қўлланилганлиги тўғрисида эксперт хулосаси талаб этилиши амалиётини бекор қилиш бўйича чоралар кўрсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Вазирлик ва идоралар икки ой муддатда қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ҳамда Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов ва Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 24 ноябрь,  
ПФ-5582-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги  
ПФ–5582-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сон Фармони 3-бандининг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилинади»;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПФ–3512-сон қарорининг рус тилидаги матни 1-бандининг «д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) порядок, в соответствии с которым:

ввоз и вывоз физическим лицом товаров при пересечении таможенной границы в пределах норм, указанных в подпунктах «а» — «г» настоящего пункта, осуществляется без их обязательного письменного декларирования, за исключением международных почтовых и курьерских отправок, а также ввозимых товаров, предназначенных для предпринимательской деятельности;

при определении таможенным органом предназначения товаров, перемещаемых физическими лицами через таможенную границу, учитываются количество товаров, где однородные товары, количество которых превышает потребность физического лица, перемещающего товары, и членов его семьи, рассматриваются как товары, ввозимые для использования в предпринимательской деятельности, если лицо, перемещающее товары, не окажет обратное;

при ввозе физическими лицами товаров через таможенную границу для предпринимательской деятельности применяются общие правила таможенного оформления, установленные законодательством в отношении всей суммы ввозимых товаров;

при превышении предельных норм ввоза в республику физическим ли-

цом товаров, не подлежащих обложению таможенными платежами и не предназначенных для предпринимательской деятельности, таможенные платежи уплачиваются в части превышения предельных норм.

Кабинет Министров Республики Узбекистан вправе устанавливать по согласованию с Национальным агентством проектного управления при Президенте Республики Узбекистан предельные нормы и условия перемещения физическим лицом товаров через таможенную границу, не подлежащих обложению таможенными платежами».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ–3665-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг Интизомий уставининг рус тилидаги матнида:

а) 28-банд қуйидаги мазмундаги «д<sup>1</sup>» кичик банди билан тўлдирилсин:  
«д<sup>1</sup>) арест с содержанием на гауптвахте;»;

б) 46-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«арест с содержанием на гауптвахте — в качестве крайней меры дисциплинарного воздействия в отношении сотрудников за совершение проступка, являющегося основанием для увольнения со службы таможенных органов»;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 47-банднинг олтинчи хатбошиси «уважительных причин» сўзларидан кейин «более трех дней» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) қуйидаги мазмундаги 49<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«49<sup>1</sup>. При наложении дисциплинарного взыскания в виде ареста с содержанием на гауптвахте, увольнение со службы таможенных органов за этот проступок не допускается, если оно не влечет за собой уголовную ответственность.

Срок ареста с содержанием на гауптвахте составляет для сотрудников рядового, сержантского и младшего офицерского состава — до 10 суток, сотрудников старшего офицерского состава — до 5 суток.

Дисциплинарное взыскание в виде ареста с содержанием на гауптвахте не может быть наложено в отношении женщин».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-иловада:

а) 3-банднинг «Ажратмалар миқдори (фоизларда)» устунидаги «35\*\*\*\*» рақами «50» рақами билан алмаштирилсин.

б) изоҳда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона орган-

лари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 16 сентябрдаги 263-сон қарорининг 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Божхона органлари ходимларининг лавозим маошларига устамалар юклама ҳажмини ва иш шaroитларини ҳисобга олган ҳолда:

тоифалардан ташқари божхона постларида — лавозим маошининг 40 фоизи миқдорида;

биринчи тоифали постларда — лавозим маошининг 35 фоизи миқдорида;

иккинчи тоифали постларда — лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида;

божхона постининг тоифасидан қатъи назар, алоҳида шaroитлардаги божхона постларида хизматни ўтаётганлик учун кинология гуруҳларига — лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида белгилансин».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги  
ПФ-5582-сон Фармонида  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарорига 1-илованинг 9-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган кўздан кечириш мажбурий бўлган товарлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2006 йил 4 майдаги 75-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарори билан тасдиқланган «Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисида вақтинчалик низомнинг 13-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Донни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 684-сон қарорининг 3-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**914 Тadbиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Охирги йилларда республикамызда тadbиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш соҳасида кенг қўламли ишлар олиб борилди.

Шу билан бирга, таҳлил шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда тadbиркорлик ва инновациялар соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини самарали ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қатор салбий омиллар мавжуд, хусусан:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларидаги юридик шахсларнинг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари биргаликдаги бизнесни юритиш учун бир қадар мураккаб тартиб-таомилларни назарда тутди. Натижада айрим инвесторлар янги юридик шахс ташкил этмасдан ўзларининг бўш маблағларини оғзаки шартнома ёки қарз шартномаси асосида ягона ҳиссага йўналтирадилар ёки бирлаштирадилар;

иккинчидан, потенциал инвесторларни, айниқса, мустақил равишда тadbиркорлик тузилмаларини ташкил этишга киришмайдиган ва ўз маблағларини бизнес юритиш учун таклиф қиладиган хорижий инвесторларни фаол жалб қилиш учун ҳуқуқий база ва ташкилий платформа мавжуд эмас;

учинчидан, ривожланган давлатлардан фарқли равишда Ўзбекистон Республикасида бизнесни юритиш асосан таваккалчилик бир жойда тўпланган шароитларда амалга оширилади, яъни пул маблағларини жамғариш ва уларни бошқариш билан айна бир шахслар шуғулланади. Таваккалчиликни тақсимлаш механизмлари ҳамда инвестиция активларини профессионал бошқарувчиларининг мавжуд эмаслиги хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилишда салбий таъсир қилмоқда;

тўртинчидан, тadbиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳаддан зиёд тартибга солиниши улар ўртасида шерикчилик муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, бунинг натижасида бизнесни юритиш ва инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий принциплари амалиётга асоссиз равишда секин татбиқ этилмоқда.

Инновацион ғоялар, стартаплар, венчур лойиҳаларни молиялаштириш, илмий-техник ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни тезлаштириш ва инновацион маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг инвесторлар, айниқса, хорижий инвесторларнинг инвестиция ҳиссаларини тезкор ва самарали жалб этиш мақсадида инвестиция ва бошқарув компанияларини ташкил қилиш амалиётини кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

инвестиция компанияси бошқарув компанияси томонидан кейинчалик инновацион ва бошқа истиқболли лойиҳаларга киритиш учун малакали инвесторларнинг жалб этилган маблағларини шакллантириш ва жамлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи тижорат ташкилоти ҳисобланади;

бошқарув компанияси инвестиция компаниясининг инвестиция ҳиссасини улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бошқарадиган тижорат ташкилоти ҳисобланади;

венчур фонди жамланган пул маблағларини фақатгина юқори хавфли венчур лойиҳаларига инвестиция қилиш учун мўлжалланган, бошқарув компанияси бошқарувидаги инвестиция компанияси ҳисобланади;

малакали инвесторлар миллий валютада ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисса киритилган кундаги курси бўйича хорижий валютада 500 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдордаги пул маблағлари кўринишидаги инвестиция ҳиссаларини инвестиция компанияларига киритган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий шахслар ҳисобланади;

инвестиция ҳиссалари малакали инвестор томонидан инвестиция компаниясига инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун берилган ва инвестиция компаниясининг устав капиталига улуш ҳисобланмайдиган пул маблағлари ҳисобланади;

бошқарув ва инвестиция компаниялари, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин;

устав капиталида давлат улуши бўлган юридик шахслар, давлат органлари, шунингдек, сиёсий партиялар, нотижорат ташкилотлар, касаба уюшмалари, жамоат фондлари ва диний ташкилотлар бошқарув компаниясининг таъсисчилари бўлиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3. Белгилаб қўйилсинки:

инвестиция ва бошқарув компанияларининг фаолияти лицензияланмайди;

бошқарув компанияси ўзининг таъсис ҳужжати ва қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган таркибда ва тартибда ички аудит хизматини ташкил этишга мажбур;

инвестиция компаниялари, бошқарув компаниялари ва малакали инвесторлар ўртасидаги муносабатлар фақатгина шартлари улар томонидан мустақил равишда белгиланиши, шу жумладан, биргаликдаги фаолият жараёнида

пайдо бўладиган низоларни ҳал қилиш шакли ва усулларини танлаш эркин бўлган шартнома асосида тартибга солинади;

инвестиция компаниялари заёмлар, шу жумладан, гаров таъминоти билан ёки гаров таъминотисиз фоизсиз заёмлар бериш ҳуқуқига эга;

инвестиция компанияси ўзининг таъсис ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили ташқи аудит ўтказилишини ташкил этишга мажбур;

инвестиция ва бошқарув компанияларининг фаолиятини мониторинг қилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони билан қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинган:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда инвестиция ва бошқарув компанияларининг фаолият мезонлари, турларини белгилаш ва уларни, шу жумладан, венчур молиялаштиришни амалга оширишдаги мониторинги тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда инвестиция ва бошқарув компанияларини ташкил этиш, шунингдек, улар фаолиятига инвестициялар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича доимий равишда кенг тушунтириш ва амалий чора-тадбирларни амалга оширсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар Академияси билан биргаликда икки ой муддатда инвестиция ва бошқарув компаниялари учун малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Белгилансинки:

ушбу Фармоннинг 2 — 4-бандлари янги тузилган инвестиция ва бош-

қарув компаниялари фаолияти самарадорлигини ўрганиш ва баҳолаш учун тажриба тариқасида 2022 йил 1 январгача амал қилади;

2022 йил 1 январгача ташкил этилган ҳамда ўз фаолиятини амалга ошираётган инвестиция ва бошқарув компаниялари ўз фаолиятларини белгиланган тартибда давом эттиришлари мумкин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат статистика бўйича қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

хар йили, 1 декабрга қадар, янги ташкил этилган бошқарув ва инвестиция компаниялари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича маълумотни;

2020 йил 1 январга қадар муддатда, шу жумладан, бошқарув ва инвестиция компаниялари, шунингдек, малакали инвесторларнинг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи «Шерикчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини;

2021 йил 1 январга қадар муддатда кейинчалик тегишли қарор қабул қилиш учун ўтказилган эксперимент натижаси бўйича таклифларни киритсин.

8. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 24 ноябрь,  
ПФ-5583-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**915 Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси-  
ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида\***

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш, шу жумладан ҳаво кемалари паркини янгилаш, парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, аэропортлар инфратузилмасини, ҳаво ҳаракатини бошқариш ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича изчил чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг фуқаро авиациясида унинг жаҳон авиаташишлар бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш ва ушбу тармоққа инвестицияларни фаол жалб қилиш учун таркибий ислохотларни янада амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ўзида давлат томонидан тартибга солиш ҳамда тижорат фаолиятига оид функцияларни мужассамлаштирган бошқарувнинг эскирган ва шаффоф бўлмаган тизими тармоқ корхоналарида менежментнинг замонавий тизимини жорий этиш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш имконини бермаяпти.

Фуқаро авиаташишларининг, шу жумладан, ердаги инфратузилмадан фойдаланишнинг ҳаддан зиёд монополлашуви ушбу соҳада хизматлар кўрсатишнинг жаҳон даражасидан анча ортда қолиб кетишига, шунингдек, мамлакатдаги айрим аэропортларнинг норентабеллигига сабаб бўлди.

Фуқаро авиацияси соҳасидаги бошқарувнинг замонавий шакллари ва усулларини жадал жорий этиш, тармоқдаги корхоналарни жаҳон тенденциялари ва стандартларига мувофиқ таркибий ўзгартириш, авиаташишлар бозорида рақобатни ривожлантириш ва тармоққа инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясини (кейинги ўринларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК деб юритилади) қуйидаги усулларда қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекцияси, шунингдек, «Учувчилар мажмуаси», «Ҳаво алоқалари бош агентлиги» ва «Ўзавиатехтаъминот» моддий-техник таъминот мажмуаси давлат унитар корхоналари негизида «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда «Uzbekistan Airways» АЖ деб юритилади) ташкил этиш;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК таркибига кирадиган давлат унитар

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

корхоналарини масъулияти чекланган жамиятларга 1-иловага мувофиқ айлантириш;

«Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда «Uzbekistan Airports» АЖ деб юритилади) унга 2-иловага мувофиқ хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушини ўтказиш йўли билан ташкил этиш;

«Махсус авиация ишлари авиакомпанияси» ДУК негизда «Uzbekistan Helicopters» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш;

«Ўзаэронавигация» маркази» давлат корхонасини (кейинги ўринларда «Ўзаэронавигация» ДК деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрига ўтказиш.

## 2. Қуйидагилар:

а) «Uzbekistan Airways» АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: ҳаво кемалари паркидан, шу жумладан, парвозларнинг янги йўналишларини ўзлаштириш ва географиясини кенгайтириш йўли билан самарали фойдаланиш;

ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг замонавий тизим ва технологияларини жорий этиш, шунингдек, авиапаркни модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш ва янгилаш;

ҳаво кемалари бортида йўловчиларга кўрсатилаётган сервис хизматлари, авиация техникасига, шу жумладан, хорижий авиакомпанияларнинг авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари сифатини ошириш;

компаниянинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида йўловчилар, юк, почта ва багаж ташиш соҳасида қулай тариф сиёсатини олиб бориш;

инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини, шу жумладан, акциялар ва корпоратив облигациялар чиқариш орқали жалб қилиш;

парвозларни амалга оширишда юқори даражадаги хавфсизликни, шунингдек, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш;

авиакомпанияни халқаро авиаташувчилар ҳамжамиятига интеграция қилиш, авиаташишлар соҳасида минтақавий етакчи даражасига эришиш.

б) «Uzbekistan Airports» АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: аэропортларни узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аэропортлар инфратузилмасини такомиллаштириш учун инвестицияларни, шу жумладан, аэропортларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва етакчи халқаро компаниялар билан ҳамкорлик қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда жалб қилиш;

аэропортларда авиаташувчилар йўловчиларига юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш, улар учун барча зарур қулай шарт-шароитларни яратиш;

аэропортлар тегишли хизматларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, йўловчилар, юк, почта ва багажга хизмат кўрсатиш жараёнини оптималлаштириш;

аэродромларни парвозларга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, парвозларнинг мунтазамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, аэродромларни таъминлаш ва уларни таъмирлашнинг замонавий усулларини жорий этиш;

ҳаво кемаларига ёқилғи қуйиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган ёқилғи ва бошқа ёқилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, уларнинг сифатини қатъий назорат қилиш;

логистика соҳасида хизматларни сифатли кўрсатиш учун инфратузилмани такомиллаштириш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;

аэропортларда савдо, овқатланиш, йўловчиларга банк ва бошқа хизматлар кўрсатувчи замонавий объектлар тармоғини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенгайтириш.

3. «Uzbekistan Airways» АЖ Жаҳон банки гуруҳи ва бошқа халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда авиакомпаниянинг рентабеллигини таъминловчи активларнинг мақбул тузилмасини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятининг барқарор бизнес-модели ишлаб чиқилишини таъминласин.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

«Uzbekistan Airways» АЖ шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекцияси, «Учувчилар мажмуаси», «Ҳаво алоқалари бош агентлиги» ва «Ўзавиатехтаъминот» моддий-техник таъминот мажмуаси» давлат унитар корхоналарининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

ташқил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича тегишли равишда қайта тузилаётган давлат корхоналарининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

«Ўзаэронавигация» ДК шартномалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг аэронавигация қисми доирасида ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Uzbekistan Airways» АЖ устав капитали қайта тузилаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекцияси, «Учувчилар мажмуаси», «Ҳаво алоқалари бош агентлиги» ва «Ўзавиатехтаъминот» моддий-техник таъминот мажмуаси» давлат унитар корхоналарининг мол-мулкани қолдиқ қиймати, шунингдек, ташқил этилаётган «Uzbekistan Helicopters», «Uzbekistan Air technics», «Ўқув-машғулот маркази» ва «Кетринг» масъулияти чекланган жамиятларининг давлат улушини номинал қиймат бўйича ўтказиш ҳисоби-га шакллантирилади;

«Uzbekistan Airports» АЖ устав капитали мазкур Фармоннинг 2-илова-сида кўрсатилган корхоналарнинг устав капиталидаги номинал қиймат бўйича ўтказиб бериладиган давлат улушлари ҳисобига шакллантирилади;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва қайта ташқил этилаётган давлат унитар корхоналарининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирил-майдиган мол-мулки қайта ташқил этилаётган ва янги ташқил этилаётган корхоналарга тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул фойдаланиш учун ўтказиб берилади.

#### 5. Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, экология, атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти тузилмасида 7 та штат бирлигидан иборат таркибда авиация тармоғини ислоҳ қилиш масалалари бўйича шўъба тузилсин, унинг зиммасига қуйидагиларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш вазифалари юклансин:

маҳаллий ва хорижий ташувчиларнинг ҳаво қатновлари миллий бозорига кириш қоидалари;

аэропортлар инфратузилмасини ва аэронавигациявий хизмат кўрсатишни ривожлантириш дастури;

давлат томонидан қўллаб-қувватлашни талаб қилувчи субсидияланадиган авиайўналишларни танлаш сиёсати;

аэропортлар хизматларини кўрсатишда хусусий сектор иштироки ва рақобат муҳитини таъминлашга доир механизмлар;

аэропортларнинг авиация ва ноавиация хизматлари нархларини тартибга солиш;

фуқаро авиацияси соҳасида истеъмолчилар ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар;

халқаро авиация ташувлари соҳасидаги халқаро шартномаларни тузиш ва уларнинг шартлари бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКни қайта ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва амалий қўмаклашиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) 3-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (А.Н. Арипов):

а) икки ҳафта муддатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг таркибига кирадиган давлат корхоналарини қайта ташкил этиш бўйича тадбирлар режасини унда ҳар бир тадбир ўтказиладиган аниқ муддатлар ва масъул шахсларни кўрсатган ҳолда тасдиқласин;

б) 2019 йил 15 январга қадар транспорт тармоғини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солишга оид барча комплекс масалалар учун масъул Транспорт вазирлигини ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин;

в) 2019 йил 1 майга қадар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарнинг:

қайта ташкил этилаётган ва янги ташкил этилаётган корхоналар устав капитали (фонди)га ўтказиладиган;

конун ҳужжатларига мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган ҳамда қайта ташкил этилаётган ва янги ташкил этилаётган корхоналарга тасарруф этиш ҳуқуқисиз бепул фойдаланиш учун ўтказиладиган мол-мулки рўйхатини тасдиқласин;

г) 2019 йил 1 июнга қадар авиаташишлар бозоридаги қўшимча компаниялар, шунингдек, кам бюджетли авиакомпаниялар (лоукостерлар) ва тижорат авиацияси хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолияти учун қулай

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шарт-шароитларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда яратиш бўйича чора-тадбирларни кўрсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКни қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, шунингдек, ушбу Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига — авиаташишлар бозорини босқичма-босқич либераллаштириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини бошқаришнинг янги тармоқ сиёсатини ишлаб чиқиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмуродов зиммасига — потенциал инвесторларни излаш ва авиация транспорти соҳасига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига — авиация транспорти соҳасидаги лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш механизмларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан биргаликда Ишчи комиссия томонидан мазкур Фармоннинг 6-бандида кўрсатилган рўйхатлар тасдиқланганидан кейин олти ой муддатда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналар қайта ташкил этилишини охирига етказишни, шунингдек, уларнинг устав капиталлари шакллантирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасида Авиация транспортини ислоҳ қилиш ва мазкур соҳага инвестицияларни жалб қилишга доир узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга кўмаклашиш тўғрисида битим тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 майга қадар Жаҳон банки гуруҳи томонидан ўтказилган ишлар якунлари бўйича 2019 — 2030 йилларда авиация транспорти соҳасини ислоҳ қилиш ва аэропортларни ривожлантиришга хусусий, шу жумладан, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва «Uzbekistan Airports» АЖ Жаҳон банки гуруҳини жалб қилган ҳолда:

2019 йил 1 апрелга қадар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳалар амалга ошириладиган аэропорт ёки аэропортлар гуруҳи аниқла-нишини;

2020 йил 1 январга қадар танланган аэропорт ёки аэропортлар гуруҳи-

да давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун танловлар ўтказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига (кейинги ўринларда — Дававианазорат):

хаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозларни амалга ошириш;

аэродром атрофидаги парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар беришга оид ваколатларни ўтказиш;

б) Ишчи комиссия томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ, «Махсус авиация ишлари авиакомпанияси» ДУК томонидан фойдаланилаётган АН-2 ҳаво кемаларини ва тегишли авиация мол-мулкни қолдиқ қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига ўтказиш;

в) «Ўзаэронавигация» давлат корхонасига Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан транзит фойдаланишда кўрсатилган аэронавигация хизматлари учун хорижий авиакомпанияларнинг кечиктирилган дебитор қарздорлигини аэронавигация хизматлари кўрсатилганлиги тасдиқланган вақтдан бошлаб 12 ой давомида ундириш ҳуқуқини бериш.

12. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган штатлари сони 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур Фармонга мувофиқ тузиладиган хўжалик жамиятлари (кейинги ўринларда — хўжалик жамиятлари) ижро этувчи органларининг аъзолари етакчи авиакомпанияларда етарлича иш тажрибасига ҳамда корпоратив бошқарув, менежмент ва молия соҳасида зарур малакага эга бўлган мутахассислар, шу жумладан, чет эл фуқаролари орасидан танлаб олинади;

мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари устав капиталларидаги акциялари давлат пакети бўйича акциядорнинг ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амалга оширади;

мазкур Фармонга мувофиқ ўтказиладиган ва қабул қилинадиган мол-мулкнинг қиймати солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди;

2020 йилдан бошлаб хўжалик жамиятларининг молиявий ҳисоботи халқаро стандартлар асосида шакллантирилади, етакчи халқаро аудиторлик ташкилотларини жалб қилган ҳолда йиллик мустақил ташқи аудитдан ўтказилиши лозим.

14. Дававианазорат, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс ташкил этмасдан Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекция-

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

конун ҳужжатларига мувофиқ пулли хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан, аэродром атрофидаги парвозлар хавфсизлигига хавф солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар беришдан тушадиغان маблағлар суммасининг 100 фоизи;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун Дававиназорат ходимлари томонидан солинадиган жарималар суммасининг 80 фоизи;

«Ўзаэронавигация» ДК соф фойдасининг 5 фоизи;

авиация хавфсизлиги учун ундириладиган йиғимлар суммасининг 3 фоизи;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

конунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

б) Жамғарманинг маблағларидан фақат:

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини моддий-техник таъминлаш, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш ва малакасини ошириш;

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш;

конунчиликда тақиқланмаган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йил 1 майга қадар хорижий кредитлар (қарзлар) бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК дирекциясининг тўлов мажбуриятлари юзасидан аввал тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин;

2019 йил 1 июнга қадар аэропортларни ривожлантириш ва ҳаво транспорти катновини бошқариш учун аввал жалб қилинган кредитларни «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Ўзаэронавигация» ДКга қайта расмийлаштирсин;

2019 йил 1 майга қадар чегирмаларнинг қулай тизимини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига аэронавигация ва аэропорт хизматларини кўрсатиш учун ягона ставкалар ҳамда йиғимларни тасдиқласин;

2019 йил 1 мартга қадар рентабеллиги паст бўлган ички йўналишлар бўйича ташишларни амалга оширувчи авиакомпаниялар учун зарарларни компенсация қилишни молиялаштиришнинг барқарор механизминини шакллантиришга оид таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Дававиназорат, Адлия вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

сиртқи бўлимларда таълим олган фуқаро авиацияси мутахассисларининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилишга рухсат бериш;

илғор хорижий, шу жумладан, ишлаб чиқарувчилар сертификатларини тан олишни назарда тутувчи тажрибадан келиб чиқиб, ҳаво кемалари ва авиадвигателларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун олиб кириладиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлари, деталларни сертификатлаштириш тартибини содалаштириш бўйича таклифлар киритсин.

17. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси тизими (IATA Clearing House) ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг бошқа халқаро тизимлари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишга;

б) «Ўзаэронавигация» давлат корхонасига Европа аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш ташкилоти (EUROCONTROL) орқали хорижий авиакомпанияларнинг Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан транзит фойдаланишда кўрсатилган аэронавигация хизматлари учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга рухсат берилсин.

18. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва унинг таркибига кирадиган корхоналарга тақдим қилинган имтиёз ва преференциялар мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этилаётган хўжалик жамиятларига татбиқ этилсин.

19. Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпаниялари Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган:

самолётлар (ТИФ ТН бўйича коди: 8802, 8803 ва 8805), шу жумладан, олиб кирилган вақтга қадар ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошмаган самолётлар;

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатиш учунгина фойдаланиладиган сервис инвентари ва жаҳон брендидаги алкоголь ичимликлари учун 2023 йил 1 январга қадар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун ундириладиган йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

қайта ташкил этилаётган ва тузилаётган корхоналарнинг автотранспорт воситалари;

қайта ташкил этилаётган ва тузилаётган корхоналарнинг қўчмас мулкига оид кадастр ҳужжатлари;

қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишга йиғимлар ва божларни ундирмасдан таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ой муддатда:



ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозлар учун рухсатномалар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ходимларини уч барабар тариф коэффицентини жорий этишни назарда тутувчи моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқласин;

б) уч ой муддатда:

корпоратив бошқарув ва фуқаро авиацияси соҳасидаги мустақил, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Uzbekistan Airports» АЖ ижро этувчи органлари ташкилий тузилмалари, шунингдек, кузатув кенгашлари таркибларининг тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаро авиацияси соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш функцияларини давлат органларига ўтказишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

22. Дававианазорат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 27 ноябрь,  
ПФ-5584-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги  
ПФ–5584-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Масъулияти чекланган жамиятларга айлантириладиган  
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК давлат унитар  
корхоналарининг  
РЎЙХАТИ**

1. «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси» ДУК.
2. «Кетринг» ДУК.
3. «Ўқув-машқ маркази» ДУК.
4. «Андижон» халқаро аэропорти» ДУК.
5. «Бухоро» халқаро аэропорти» ДУК.
6. «Қарши» халқаро аэропорти» ДУК.
7. «Навойй» халқаро аэропорти» ДУК.
8. «Наманган» халқаро аэропорти» ДУК.
9. «Нукус» халқаро аэропорти» ДУК.
10. «Самарқанд» халқаро аэропорти» ДУК.
11. «Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» ДУК.
12. «Термиз» халқаро аэропорти» ДУК.
13. «Урганч» халқаро аэропорти» ДУК.
14. «Фарғона» халқаро аэропорти» ДУК.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги  
ПФ–5584-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Устав жамғармаларидаги давлат улуши «Uzbekistan  
airports» акциядорлик жамиятига ўтказиладиган  
масъулияти чекланган жамиятлар  
РЎЙХАТИ**

1. «Андижон» халқаро аэропорти» МЧЖ.
2. «Бухоро» халқаро аэропорти» МЧЖ.
3. «Қарши» халқаро аэропорти» МЧЖ.
4. «Навойй» халқаро аэропорти» МЧЖ.
5. «Нукус» халқаро аэропорти» МЧЖ.
6. «Наманган» халқаро аэропорти» МЧЖ.
7. «Самарқанд» халқаро аэропорти» МЧЖ.
8. «Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» МЧЖ.
9. «Термиз» халқаро аэропорти» МЧЖ.
10. «Урганч» халқаро аэропорти» МЧЖ.
11. «Фарғона» халқаро аэропорти» МЧЖ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**916 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида\***

Электр энергетика тармоғи корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Тошкент шаҳрида «Delta city» халқаро юқори технологияли инновация маркази» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3833-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 ноябрь,  
ПФ–5586-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги  
ПФ–5586-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5044-сон Фармони 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «истеъмолчилар» деган сўз «истеъмолчи жисмоний шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги «2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ПҚ–2947-сон қарори 11-бандининг учинчи хатбошидаги «истеъмолчилар» деган сўз «истеъмолчи жисмоний шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–3310-сон қарорининг иловаси рус тилидаги матнида 6-банднинг «д» кичик банди тўртинчи хатбошидаги «потребителей» деган сўз «потребителей-физических лиц» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3326-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 2 ва 3-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3542-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 6-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

в) 1-иловада:

«АО «НВК «Узэкспоцентр»» блоки чиқариб ташлансин;

«АО «Халқаро Ҳамкорлик Маркази»» блоки чиқариб ташлансин;

«ГП РХВО «Интерсервис» (гостиница «International Hotel Tashkent»)»

блоки чиқариб ташлансин;

изоҳ чиқариб ташлансин.

г) 2-иловада:

«АО «НВК «Узэкспоцентр»» блоки чиқариб ташлансин;

«АО «Халқаро Ҳамкорлик Маркази»» блоки чиқариб ташлансин;

«ГП РХВО «Интерсервис»» блоки чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**917 Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспорт қилувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комиссиянер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахслар солиқ солинадиган базани:

товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми юзасидан юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган қисми юзасидан ягона солиқ тўлови бўйича камайтирадилар.

Ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар иловага мувофиқ рўйхат бўйича хом ашё товарларини экспорт қилишга, шунингдек, халқаро ташишлар (автотранспортдан ташқари) ҳамда узатиш қувурлари ва газ қувурлари орқали етказиб бериш хизматларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши натижасида тўланмаган маблағлар қуйидаги ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилади:

товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти фактини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда;

товарлар экспорт режимига чиқарилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида валюта тушуми таъминланмаганда.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу Фармонга мувофиқ берилаётган имтиёзларни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Фармонга мувофиқ имтиёзларни қўллаш устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири  
Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 29 ноябрь,  
ПФ–5587-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги  
ПФ–5587-сон Фармонига  
ИЛОВА

**2019 йил 1 январдан қўлланиладиган солиқ имтиёзлари  
татбиқ этилмайдиган экспорт қилинадиган  
хом ашё товарлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарлар номи	ТИФ ТН коди
1.	Пахта линти	1404 20 000 0
2.	Нефть хом ашёси, газ конденсати, нефть маҳсулотлари	2709 00, 2710 (2710 12 — 2710 19 дан ташқари)
3.	Табий газ	2711 21 000 0
4.	Суюлтирилган газ	2711 11 000 0 — 2711 19 000 0
5.	Электр энергияси	2716 00 000 0
6.	Радиоактив кимёвий элементлар ва радиоактив изотоплар ва уларнинг бирикмалари	2844
7.	Ўғитлар	3101 00 000 0 — 3105
8.	Бирламчи шаклдаги этилен полимерлари	3901 10 — 3901 20
9.	Пропилен полимерлари ёки бирламчи шаклдаги бошқа олефинлар (полипропилен)	3902
10.	Бирламчи шаклдаги стирол полимерлари	3903
11.	Винилхлорид полимерлари ёки бирламчи шаклдаги галогенлашган олефинлар	3904
12.	Полимерли, силиконли позициялар, каучук	3905 — 3914
13.	Ошланган чарм ёки қўй терисидан ёки йирик қорамол бузоқларининг терисидан, бошқа ҳайвонларнинг териларидан чарм крастлари	4101 — 4107

Т/р	Товарлар номи	ТИФ ТН коди
14.	Пилла, ипак чиқиндилари	5001 — 5003
15.	Пахта толаси ва чиқиндилари	5201 — 5203
16.	Ип калава	5205 — 5207
17.	Қимматбаҳо металллар	71 (7113 — 7118 дан ташқари)
18.	Қора металллар, қора металллар прокати, қора металл парчалари ва чиқиндилари	72
19.	Рангли металллар, рангли металллар прокати, рангли металллар парчалари ва чиқиндилари	7401 — 7409, 7501 — 7506, 7601 — 7603, 7801 — 7802, 7901 — 7903, 8001 — 8002, 8101 (8101 96 000 0, 8101 99 100 0 дан ташқари), 8102 (8102 95 000 0, 8102 96 000 0 дан ташқари), 8103 (8103 90 100 0 дан ташқари), 8104 — 8107, 8108 (8108 90 дан ташқари), 8109 — 8112

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**918 Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Сўнги йилларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ–2639-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш Дастурига (кейинги ўринларда — Дастур) мувофиқ янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 53 мингдан зиёд арзон уй-жойлар ва квартиралар қурилди, турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож 65 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, Дастур ижро қилинишини ўрганиш якунлари қишлоқ жойларда арзон уй-жойларга талаб юқори эканлигини кўрсатди, янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этадиган уй-жойлар қурилишини ташкил этиш ва муҳтож оилаларни арзон уйлар билан таъминлаш бўйича бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди:

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 ноябрда эълон қилинган.

биринчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига қирадиган ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Хусусан, жорий йилда мазкур мақсадлар учун туман ҳокимликлари томонидан ажратилган 1065 гектар ернинг 60 гектарга яқини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига қиради;

иккинчидан, қурилаётган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларнинг нарҳини мақбуллаштириш ҳамда энергия самарадор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда меъморий ва техник ечимларни қўллаш етарли даражада таъминланмаяпти;

учинчидан, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишида ўзаро уйғунлик таъминланмаётгани натижасида республика бюджети, мақсадли жамғармалар ва ижрочилар маблағлари ортиқча сарф қилинмоқда;

тўртинчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуришда шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларини бузиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатсиз бажариш, лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд.

Арзон уй-жойлар қурилишини самарали ташкил этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли пунктларининг муҳандислик-транспорт коммуникацияларини ва инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган юқори талабини тўлиқ қондириш мақсадида:

1. Қуйидагилар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш ва муҳтож оилаларни арзон уй-жой билан таъминлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

уй-жойларни ҳудудий оптимал жойлаштириш ҳамда улар учун фақат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари тоифаларига қирайдиган ер участкаларини тақдим этиш ҳисобига ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун мўлжалланган арзон уй-жойлар қуриш қўламини кенгайтириш;

уй-жойларнинг нарҳини пасайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида меъморий ва техник ечимларни мақбуллаштириш, маҳаллий қурилиш материаллари, ускуналар ва замонавий деворбоп материалларни кенг қўллашни назарда тутувчи янги намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш;

уй-жойларни тақдим этишда манзиллик, шаффофлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш тамойилларини инобатга олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва уй-жойга муҳтож оилаларнинг эҳтиёжини қондириш;

муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилишини «Обод қишлоқ» дастури билан ўзаро уйғунликда ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ жойларда самарали канализация тизимларини жорий этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг Дастур доирасида, 2019 йилдан бошлаб қуйида-



ги янги намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар (кейинги ўринларда — арзон уй-жойлар) қурилиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

«Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳолиси зич бўлмаган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланмаган ҳудудларда 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлар;

«Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳоли зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда тўрт қаватли арзон кўп квартиралари (2 ва 3 хонали) уйлар;

шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари (кейинги ўринларда — фуқароларнинг алоҳида тоифалари) учун беш қаватли арзон кўп квартиралари (2 ва 3 хонали) уйлар.

Бунда бўш ер участкалари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида арзон кўп квартиралари уйларни қуриш йўли бўйларида жойлашган яроқсиз уй-жойлар, бино ва иншоотларни бузиш ҳисобига бўшаган ҳудудларда чизикли-каторли кўринишда жойлаштирган ҳолда амалга оширилади.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

«Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ томонидан маҳаллий қурилиш материаллари, ускуналар ва замонавий деворбоп материаллардан кенг фойдаланган ҳолда барпо этиладиган ва қишлоқ шароитига мослаштирилган арзон кўп квартиралари уйларнинг (ёрдамчи иншоотлар ва ҳовли қурилмалари билан биргаликда) намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда марказлашган канализация, газ ва иссиқлик таъминоти тизимлари билан таъминланмайдиган арзон кўп квартиралари уйлар учун мўлжалланган локал оқова сув тозалаш иншоотлари ва қаттиқ ёқилғида ишловчи энергия самарадор иситиш қозонлари жорий этилмоқда;

арзон уй-жойлар, шунингдек, ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти иншоотлари ва тармоқлари ҳамда йўллар (цемент-бетон қопламали) қурилиши бўйича буюртмачи этиб «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ, бош лойиҳачи этиб эса «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ белгиланган.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Қишлоқ қурилиш инвест ИК» МЧЖ, иштирок этувчи тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2019-2020 йилларда қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши бўйича йиғма кўрсаткичлар 1 ва 1.1-иловаларга\* мувофиқ;

---

\* 1-1.1-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2019-2020 йилларда қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қурилиши бўйича асосий параметрлар 2 ва 2.1-иловаларга\* мувофиқ;

2019-2020 йилларда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун арзон кўп квартиралли уйлар қурилиши бўйича асосий параметрлар 3 ва 3.1-иловаларга\* мувофиқ;

2019-2020 йилларда арзон уй-жой массивларида ташқи муҳандислик тармоқлари, иншоотлари ва транспорт коммуникациялари қурилиши бўйича йиғма кўрсаткичлар 4 ва 4.1-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 июлига қадар арзон уй-жойлар қурилиши мониторинги бўйича ахборот тизимини (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ишлаб чиқсин ва татбиқ қилсин, ушбу тизим уй-жой қурувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар учун Интернет тармоғида реал вақт режимида қуйидагилар тўғрисида ахборот олиш имкониятини таъминлайди:

бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмлари (шу жумладан, объектларнинг фотосуратлари ва видео-ёзувлари);

объектлар қурилишида иштирок этаётган пудратчилар;

қурилиши тугалланган объектларда ўтказилган назорат тартибда ўлчаш натижалари;

қурилишни молиялаштиришнинг бориши.

6. Белгилансинки:

арзон уй-жойлар, ташқи муҳандислик тармоқлари, иншоотлари ва транспорт коммуникациялари қурилишининг келгуси йиллар учун асосий параметрлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили 1 июнга қадар «Обод қишлоқ» дастури билан ўзаро боғланган ҳолда тасдиқланади;

арзон уй-жойлар, ташқи муҳандислик тармоқлари, иншоотлари ва транспорт коммуникациялари қурилишининг массивлар кесимидаги тақсмоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 29 мартдаги ПҚ–3630-сонли қарори билан тузилган Республика комиссияси томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 январдаги ПҚ–3480-сонли қарорининг 7-иловасида кўрсатилган асосий қурилиш материаллари ва усқуналар «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ томонидан бош пудрат ташкилотларига марказлаштирилган тартибда етказиб берилади;

ичимлик суви, канализация, иссиқлик, электр, газ таъминоти иншоотлари ва тармоқлари ҳамда йўллар қурилиши марказлаштирилган манбалар,

---

\* 2 — 4.1-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

халқаро молия институтлари маблағлари, шунингдек, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши иштирокчиларига, қурилиш материаллари ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга, шунингдек, транспорт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ–2639-сонли қароридан назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланилади;

арзон кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватларида нотурар жойлари қурилиши «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

арзон кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватларида қурилаётган нотурар жойлар ертўласи билан бирга «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ томонидан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукционга қўйилади ва уларни сотишдан олинган даромадлар «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг захира жамғармасига йўналтирилади;

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва қўллаб-қувватлаш «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ томонидан унинг захира жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. 2019 йилда қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши асосий параметрлари ва йиғма кўрсаткичларининг жадал равишда ижро этилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектларини қуриш учун буюртмачиларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари тоифаларига қирмайдиган ҳамда ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларига чиқиш имкониятига эга бўлган бўш ер участкалари ажратилишини;

иштирок этувчи тижорат банклари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда арзон уй-жойлар қурилиши учун талабгорларни танлаш ва уларнинг бошланғич бадалларини шакллантиришни;

буюртмачилар ва лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқирилишини;

буюртмачилар билан биргаликда уч ой муддатда арзон уй-жойлар, му-

хандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектларини куриш учун пудрат ташкилотлари аниқланишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

Қурилиш вазирлиги билан биргаликда арзон кўп квартиралар уйлар учун сув таъминоти тизимлари лойиҳалари узлуксиз сув таъминотини таъминловчи самарали техник ечимларни, шу жумладан, зарур ҳолларда, махсус иншоотларни (босимли сув минораси, резервуар ва бошқалар) ўрнатишни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқишлигини;

вилоятлар ҳокимликлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда марказлаштирилган канализация, иссиқлик ва газ таъминоти тизимлари билан таъминланмайдиган арзон кўп квартиралар уйлар учун зарур бўлган ҳажм ва қувватларда локал оқова сув тозалаш иншоотлари ва қаттиқ ёқилғида ишловчи энергия самарадор иситиш қозонлари ишлаб чиқарилишини таъминласин.

Белгилансинки:

муҳандислик-транспорт коммуникацияларига уланмаган, узлуксиз электр ва сув таъминоти йўлга қўйилмаган арзон уй-жойлар фойдаланишга қабул қилинмайди;

қурилиши тугалланган ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти иншоотлари ҳамда тармоқларини эксплуатация қилиш ва сақлаш ҳудудий ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан, шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

9. «Ўзбекэнерго» АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда арзон кўп квартиралар уйларни ҳамда уларнинг ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти иншоотларини узлуксиз равишда электр энергияси билан таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти иншоотлари ва тармоқлари ҳамда автомобиль йўллари куриш учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан зарур маблағлар ажратсин;

иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича биринчи 5 йил мобайнида йилига 4 фоизли ставка билан ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг маржаси йилига 3 фоиз миқдорида бўлишини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 2 йиллик имтиёзли давр билан қишлоқ жойларда яшовчи шахслар учун — 20 йил, фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун — 15 йил муддатларга миллий валютада кредит линияларини очсин, ушбу маблағлар арзон уй-жойлар қурилишига мақсадли йўналтирилсин.

11. Белгилансинки, иштирок этувчи тижорат банклари арзон уй-жойлар қурилиши учун уй-жой қурувчиларга 2 йиллик имтиёзли давр ҳамда

дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида:

қишлоқ жойлардаги арзон уй-жойларни сотиб олиш учун — 20 йил муддатга ва уй-жой қурувчиларнинг бошланғич бадали 10 фоиз миқдорида;

фуқароларнинг алоҳида тоифалари томонидан арзон кўп квартирали уйларни сотиб олиш учун — 15 йил муддатга ва уй-жой қурувчиларнинг бошланғич бадали 25 фоиз миқдорида ипотека кредитлари тақдим этади.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖга ажратилган 350 миллиард сўм миқдоридаги кредитларни қайтариш муддати 2019 йилнинг 1 июлига қадар узайтирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ буюртмачилар ҳамда лойиҳа ташкилотларнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича арзон уй-жойлар, шунингдек, уларнинг муҳандислик транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши учун тўғридан-тўғри шартномаларга ва биржа котиروвокларининг ўртача нархларига мувофиқ ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаш шарти билан металл прокати ва цемент ажратилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, иштирок этувчи тижорат банклари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб этиш чораларини кўрсин;

ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда аввал имзоланган қарз битимларига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан музокаралар олиб борсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Тошкент вилоятида, эксперимент тарикасида қурилишнинг инновацион усуллари билан, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат-хусусий шериклиги шартлари асосида арзон уй-жойлар қурилиши бўйича тақлиф киритсин.

16. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонд (кейинги ўринларда — иштирокчилар) билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларда энергия самарадор уй-жойлар қурилишини ривожлантиришга қўмаклашиш» қўшма лойиҳаси (кейинги ўринларда — Қўшма лойиҳа) амалга оширилмоқда;

Қўшма лойиҳа доирасида 2019 — 2021 йилларда арзон уй-жойлар қурилиши учун 3,0 миллион АҚШ доллари миқдорида мақсадли грантлар ажратилиши назарда тутилган бўлиб, улар қурилаётган арзон уй-жойларнинг энер-

гия самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча харажатларни қоплашга йўналтирилади;

Қўшма лойиҳа доирасида «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ томонидан арзон уй-жойларнинг энергия самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий энергия тежамкор материаллар ва технологиялардан фойдаланишни кўзда тутувчи намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди;

энергия самарадор арзон уй-жойларнинг қурилиши Қўшма лойиҳа иштирокчилари билан келишган ҳолда аниқланадиган массивларда амалга оширилади;

мақсадли грантлар БМТ Тараққиёт дастури билан грантлар ажратиш бўйича имзоланадиган шартномага мувофиқ «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ орқали ипотека кредити доирасида ажратилади.

17. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ ва «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

Қўшма лойиҳа иштирокчилари билан келишган ҳолда намунавий лойиҳаларнинг жойларга боғланишини ва энергия самарадор арзон уй-жойлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишини;

грантлардан мақсадли фойдаланилиши ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли амалга оширилиши устидан доимий назорат ва мониторинг олиб борилишини;

Қўшма лойиҳа иштирокчилари талабига биноан мониторинг ва назорат натижалари тўғрисида маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

18. Тошкент шаҳар ҳокимлиги иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ–2660-сонли қарори доирасида Тошкент шаҳрида қурилаётган кўп квартираларни уйлардаги квартиралар ҳисобидан ҳар йили:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 1 июндаги ПФ–5066-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизими ҳарбий хизматчилари, кутқарувчилари ва ходимлари учун — 56 та квартира;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги ПҚ–3224-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчилари учун — 300 та квартира;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари ходимларининг турар-жой шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 29 июндаги 444-сонли қарорига мувофиқ ички ишлар органлари ходимлари учун — 168 та квартира;

Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 23 сентябрдаги 753-сонли

қарорига мувофиқ мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун — 420 та квартира;

Вазирлар Маҳкамасининг «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 12 апрелдаги 285-сонли қарорига мувофиқ оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар учун — 66 та квартира ажратилишини таъминласин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ–2660-сонли қарорига мувофиқ шаҳарларда қурилаётган кўп квартираларни уйлардаги квартиралар ҳисобидан ҳар йили мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар учун амалдаги параметрлар ва низомларга биноан квартиралар тақдим этилишини таъминласин.

20. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қурилиши тугалланган арзон уй-жойларда асосли тарзда назорат тартибида ўлчаш натижалари бўйича аниқланган ва ушлаб қолинган суммалар уй-жой қурувчиларга қайтарилади.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмуни ва моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

22. Қуйидагилар:

ушбу қарорнинг талаблари ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилишини таъминлаш устидан қаттиқ назорат олиб борилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари (Раматов) зиммасига,

ушбу қарор билан тасдиқланган йиғма кўрсаткичлар ва асосий параметрларга мувофиқ арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда инфратузилма объектлари ўз вақтида ва сифатли қурилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири (Тўхтаев) зиммасига;

қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтириш ва уларда маҳаллий замонавий қурилиш материаллари ва ускуналарини кенг қўллаш, шунингдек, маҳаллий қурилиш индустриясини барқарор ривожлантириш ва пудрат ташкилотлари салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш юзасидан — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири (Ходжаев) зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 24 ноябрь,  
ПҚ-4028-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**919 Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида  
қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-  
шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўли билан аҳоли фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, мамлакатнинг айрим ҳудудларида ижтимоий тангликнинг кучайиши, шу жумладан, қимматбаҳо металлларни ноқонуний қазиб олишнинг давом этаётганлиги билан боғлиқ бўлган криминоген вазиятнинг ёмонлашиши кузатилмоқда.

Бунинг асосий сабаби миқдор ва сифат жиҳатидан саноат усулида қазиб олиш объекти ҳисобланмайдиган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металлларни носаноат усулда қазиб олиш билан қонуний шуғулланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Қимматбаҳо металлларни ноқонуний қазиб олиш Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида тизимли тус олиб, қимматбаҳо металлларнинг яширинча айланишига ва чет элларга ноқонуний олиб чиқиб кетилишига олиб кел-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 ноябрда эълон қилинган.



моқда. Ноконуний равишда олтин қазиб олиш чоғида шикастланишлар ва ўлим ҳолатлари содир бўлмақда.

Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишни тадбиркорлик тури сифатида ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ер қаъри участкасини самарали ўзлаштириш, шунингдек, олтин ва заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг 2019 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини жорий қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти ер қаъридан фойдаланишнинг алоҳида тури ҳисобланади ва у ер қаъри участкаларида амалга оширилади;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкалари, шу жумладан, ўлчамлари 1 гектардан ортиқ бўлмаган сочма олтин конлари тақдим этилади;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия берилади, бунда қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш ҳуқуқига алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларга жисмоний ва юридик шахслар талабгор бўлишлари мумкин;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси томонидан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион якунлари бўйича 3 йил муддатга берилади;

электрон аукционни ўтказиш ва мазкур қарорга мувофиқ лицензияни беришнинг умумий муддати «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган барча жараёнларни ўз ичига олган ҳолда, истисно тариқасида, 10 кундан ошмайди;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг бошланғич нархи 7,5 млн сўмни ташкил қилади;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкалари рўйхати ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

лицензияни ёки ер қаъри участкасидан (тўлиқ ёки қисман) фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш (топшириш), шунингдек, битта ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияни бир неча шахсга беришга йўл қўйилмайди;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг реестрини юритиш ва уларга ажратилган ер қаъри участкаларининг давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан амалга оширилади;

олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлларни реализация қилиш «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКга, шунингдек, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ва яқка тадбиркорларга келишилган нархларда амалга оширилади;

қимматбаҳо металлларни яшириш, шу жумладан, уни 6 ой ичида реализация қилмаслик, шунингдек, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш чоғида ишларни бехатар олиб бориш талабларининг бузилиши оқибатида инсонларнинг оғир тан жароҳати олиши ёки ўлимига олиб келиши лицензияни бекор қилиш ва мазкур фаолият билан шуғулланишни бир йил давомида чеклаш учун асос бўлади;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилгандан сўнг, ер қаъридан фойдаланувчилар зиммасига ер қаъри участкаларини рекультивация қилиш ва уларни кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш мажбурияти юкланади.

3. Белгилансинки, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида реализация қилишдан олинган пул маблағлари ва ушлаб қолинган зақалат суммаси, аукционни ташкил қилиш хизматлари учун тўлов суммалари чегирилган ҳолда:

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти олиб бориладиган ҳудудлардаги тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетларига қўшимча даромад манбаи сифатида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг йиллик давлат дастурларини амалга оширишга мақсадли йўналтирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг махсус вазначилик ҳисоб рақамларига тенг улушларда ўтказилади.

4. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини ушбу қарорда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда амалга оширадиган шахслар қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш қисми бўйича барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) озод этилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ер ости бойликлари тўғри-

сидаги қонун ҳужжатларига қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини тартибга солишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 февралига қадар қуйидагиларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда — Низом):

ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия бериш тартиби, шу жумладан, «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиш регламенти;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари, шу жумладан, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишнинг рухсат этилган усуллари ва воситалари, шунингдек, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва техникага қўйиладиган талаблар;

олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металллар нархини белгилаш, уларни харид қилиш, ҳисобини юритиш, сақлаш ва реализация қилиш тартиби;

ишларни олиб бориш қоидалари ва нормаларига риоя қилиш бўйича талаблар, шунингдек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлиги;

фойдаланиб бўлинган ерларни рекультивация қилиш ва уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг захира фондига қайтариш механизми;

б) ишончли, аниқ контурлари ва чегараларини кўрсатган ҳолда қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун берилаётган ер қаъри участкаларининг рўйхатини (кейинги ўринларда — Рўйхат).

7. «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКга 2019 йилнинг 1 мартига қадар мамлакат ҳудудларида олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлларни сотиб олувчи ихтисослаштирилган қабул кассаларини очиш ва сотиб олишнинг шаффоф механизмини ўрнатиш тавсия қилинсин.

8. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишни амалга оширувчи шахсларга, шу жумладан, услубий, амалий ва юридик маслаҳатлар бериш йўли билан ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, тегишли вилоят ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муд-

датда қимматбаҳо металлларни ноқонуний йўл билан қазиб олиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

Интернет тармоғидаги ўзларининг расмий сайтларида жойлаштириш орқали Низом ва Рўйхатдан эркин фойдаланиш имкониятини таъминласин ва уларни тизимли равишда янгилаб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш меъёрлари ва қоидаларига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан белгиланган тартибда қатъий назорат ўрнатсин;

Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 26 ноябрь,  
ПҚ-4030-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**920 Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатнинг йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, илғор технологиялар ва энг яхши хорижий тажрибаларни жорий этиш асосида лойиҳа ва йўл қуриш ишлари сифатини янада ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси билан узвий боғлиқликда йўл қуриш соҳасида давлат бошқаруви тизимини комплекс такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги устувор вазифалар этиб белгилансин:

биринчи — автомобиль йўллари лойиҳалаш ва қуриш соҳасида умум-эътироф этилган халқаро стандартлар ва энг яхши тажрибаларни, автомобиль йўллари сифатини ва хизмат кўрсатиш муддатларини оширишни таъминлайдиган йўл қурилишида қўлланиладиган замонавий инновацион технологиялар ва материалларни жорий этиш;

иккинчи — йўл қурилишида молиявий ресурслардан фойдаланиш самардорлигини ошириш, халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари қуриш ва қайта қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банк институтларининг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш ҳажмларини кенгайтириш, шунингдек, умумий фойдаланишдаги йўлларни қуришда хусусий инвестицияларни кенг рағбатлантириш;

учинчи — биринчи навбатда, мамлакатнинг ҳудудларига етакчи хорижий компаниялар ва юқори малакали мутахассислар иштирокида йирик пудрат ташкилотларини жалб этиш ҳисобига, йўл хўжалиги соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва амалиётни фаол ўзлаштириш ва самарали қўллаш;

тўртинчи — йўллардан фойдаланиш корхоналарини замонавий йўл қуриш техникалари ва таъмирлаш ускуналари билан, жумладан, лизинг асосида фаол жиҳозлаш ва улар ишини ташкил этишнинг самарали технологияларини жорий этиш ҳисобига автомобиль йўлларида фойдаланиш ишлари сифатини ошириш;

бешинчи — мамлакат ҳудудларида етакчи хорижий компаниялар иштирокида йўл қурилиши учун замонавий қурилиш материалларини ва махсус йўл-қурилиш техникаларини, келгусида уларга хизмат кўрсатувчи сервис

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

марказларини очган ҳолда, ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш;

олтинчи — йўл қурилиши учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини, жумладан, соҳага оид хорижий ўқув муассасалари ва марказлари билан ҳамкорликда тубдан такомиллаштириш, шунингдек, етакчи хорижий йўл-қурилиш компанияларида маҳаллий мутахассислар учун амалиёт ўташ дастурларини ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг қуйидагиларга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасида узоқ муддатли истиқболда йўл қурилишини ривожлантириш Стратегиясини (кейинги ўринларда — Ривожлантириш стратегияси) ишлаб чиқишда иштирок этиш учун етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

автомобиль йўллари тоифаларига кўра уларни лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш, шунингдек, таъмирлашда автомобиль йўллари сифатини ва хизмат кўрсатиш муддатларини оширишни таъминлайдиган замонавий стандартлар ва технологияларни жорий этиш;

республика ва ҳудудларнинг истиқболли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларини, шунингдек, мамлакатнинг транзит салоҳиятидан имкон қадар самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда 2020 — 2040 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурини ишлаб чиқиш;

автомобиль йўлларини, жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини, молиялаштириш соҳасидаги сиёсатни тубдан такомиллаштириш;

автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишга хусусий сектор ресурсларини жалб этишни рағбатлантириш ва йўл қурилиши соҳасида давлат бошқаруви механизмларини комплекс такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 30 декабригача бўлган муддатда етакчи хорижий консалтинг компаниялар ва агентликлар, энг аввало, Германиянинг мос йўналишдаги компаниялари амалий тажрибаларини ўрганиш асосида, молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда, Ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун хорижий консултантни жалб этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч кун муддатда қуйидагилар билан боғлиқ ташкилий-амалий масалаларни хорижий ҳамкорлар билан ишлаб чиқиш учун ваколатли вазирликлар ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этсин:

республика ҳудудида автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойда-

ланишда қўлланиладиган замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш;

автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаш соҳасида етакчи хорижий инжиниринг компаниялар (жумладан, профессионал бизнес доираларида халқаро даражада обрўга эга немис компаниялари — «OBERMEYER Planen+Beraten GmbH», «Lahmeyer International GmbH», «Lomb Ingenieurgesellschaft mbH», «INROS LACKNER SE» ва бошқалар) билан ҳамкорлик ўрнатиш;

республика ҳудудларида замонавий қурилиш техникалари ва таъмирлаш ускуналари билан жиҳозланган йўл қуриш ташкилотларини ташкил этиш (Европанинг энг йирик компанияларидан бири бўлган ва йўл хўжалиги соҳасига ихтисослашган «GP Gunter Papenburg AG» компаниясини ҳамкорликка жалб этиш имкониятини кўзда тутган ҳолда);

республикада автомобиль йўллари бўйларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, замонавий ландшафт дизайни элементларини ўзлаштириш, йўлбўйи инфратузилма объектларини ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани жорий этиш;

автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, йўллардан фойдаланиш корхоналарини замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий кредит ташкилотларининг молиявий ресурсларини жалб этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йилда Германия Федератив Республикасида йўл қурилиши бўйича ўтказиладиган халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, конференциялар ва симпозиумларда ваколатли вазирликлар ва идоралар вакилларининг иштирок этиши бўйича таклифларни бир ой муддатда киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 10 февралигача бўлган муддатда қуйидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳузурида ихтисослашган хорижий ўқув муассасалари ва компанияларнинг ҳамкор сифатидаги иштирокида Автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказини ташкил этиш;

йўл хўжалигидаги маҳаллий мутахассисларнинг хорижий ўқув муассасаларида малака ошириш ва тайёрлов ўқув курсларини, шунингдек, Германия Федератив Республикасининг етакчи йўл-қурилиш компанияларида амалиёт ўташларида кўмаклашиш;

автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланишда илғор услуб ва технологияларни жалб этишга кўмаклашиш ва тажриба алмашиш соҳасида Германиянинг транспорт ва инфраструктура федерал вазирлиги билан ҳамкорликни ўрнатиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ва ҳудудий автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг пудрат ишларини ҳажм кўрсаткичларига ўтказиш йўли орқали йўл хўжалигида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олишни («ҳажм услуги») кўзда тутадиган тартибни 2019 йилдан бошлаб босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, йўл хўжалиги соҳасида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низом;

автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда йўл хўжалигида қурилиш материаллари ишлатилишининг миллий меъёрлари ва стандартларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш бўйича таклифлар.

9. Автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Ўзстандарт» агентлиги, Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти билан биргаликда уч ой муддатда йўл хўжалигида келгусида ишлаб чиқариш ва қўллаш учун замонавий қурилиш материаллари ва қўшимчалар (полимер-чақиқтош-мастикли асфальтбетон, синтетик толалар аралашмаси, микросюрфейсинг, бошқа модификацияланган материаллар) қўллаган ҳолда асфальтбетон қопламаларининг юқори технологияли турларини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин.

10. 2018-2019 йилларда йўл қурилиши соҳасига илғор хорижий услубларни жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — Йўл харитаси) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Йўл харитасида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг масъул вазирликлар ва идоралар томонидан ўз вақтида бажарилиши бўйича ишларни мувофиқлаштиришни таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбе-

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



кистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 27 ноябрь,  
ПҚ-4035-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**921 Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни  
янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш  
тўғрисида\***

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

Ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш тизими яратилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши ноёб меросимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Айни пайтда, миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар мавжуд. Жумладан:

биринчидан, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмаган;

иккинчидан, ёш ижодкорларга таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориш, аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини кондиритиш ва маданий хизматлар сифатини кескин ошириш имконини бермаяпти;

учинчидан, аксарият маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базаси замон талаблари ва халқаро стандартларга мос келмайди, бу эса уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун имкон бермаяпти;

тўртинчидан, замонавий медиа маконда миллий маданиятимиз муносиб ўрин эгалламагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани соҳани кенг тадқиқ ва тарғиб этиш, халқаро маданий жараёнларга талаб даражасида интеграция қилишга йўл бермаяпти;

бешинчидан, маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро фестиваль ва танловларда ижодкорларимизнинг иштирокини изчил таъминлаш ва уларнинг сара асарларини намойиш этиш, миллий ижодий маҳсулотларни экспорт қилишнинг самарали тизими яратилмагани, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмагани ҳам соҳа ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) 1-иловага;

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага\* мувофиқ;

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастурлари) 2.1 — 2.14-иловаларига\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун Концепцияни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ва Чора-тадбирлар дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2. Концепциянинг асосий вазибалари этиб қуйидагилар белгилансин: маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани, ушбу соҳадаги институционал тизимни ва маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш;

---

\* 2 — 2.14-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тарихий ва маданий меросимизни сақлаш ҳамда уни ёш авлод тарбиясида кенг қўллаш;

миллий ва умуминсоний кадриятларни ёшларимиз онгига сингдириш, этник маданий анъаналарни асраб-авайлаш ва шу асосда халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш;

аҳоли, жумладан, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва кенгайтириш;

маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, маданиятни янада кенг тадқиқ ва тарғиб этишда инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш;

фуқароларнинг, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этиши ва маданий хизматлардан фойдаланишда ижтимоий тенглигини таъминлаш;

маданий соҳада ўзаро самарали халқаро муносабатларни ташкил этиш ва ривожлантириш, миллий маданиятга жаҳон маданиятининг ажралмас қисми сифатида қараш, бу борада тенг ҳуқуқлилик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

қабул қилинаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданият соҳасига оид қарорларнинг ушбу соҳадаги ягона давлат сиёсатига мослигини таъминлаш;

маданият ва санъат муассасаларининг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларнинг моддий ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, объектларни сақлаш ҳамда муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари негизида маданият марказлари ташкил этилсин.

Қуйидагилар маданият марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, ижодий жамоаларнинг миллий кадрият, урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассам этган намунали дастурларини шакллантириш;

халқ ижодиёти ва бадий ҳаваскорлик санъатини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, бадий ва амалий ижодий жамоалар, ҳаваскорлик гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда ижодий жараёни тизимли равишда бойитиб бориш;

болаларни тўғарақларга жалб этиш, хорижий тилларни ўрганиш ва «нутқ маданияти» бўйича курсларни ташкил этиш, халқ ижодиётининг барча жанр ва йўналишлари, ҳаваскорлик санъати ва номодий маданий меросни кенг тарғиб қилиш ҳамда уларни асл ҳолича келажак авлодга етказиш;

адабиёт ҳамда санъат арбоблари ва профессионал ижодий гуруҳлар билан маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирлар ташкил этиб, улар иштирокида аҳоли, хусусан, ёшлар билан бевосита бадий учрашувлар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг туман (шаҳар) миқё-

сидаги фестивалларини ўтказиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш;

оммавий байрам, томоша ва халқ сайилларини ташкиллаштириш, ижтимоий-маданий соҳада юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича уларга пулли хизматлар кўрсатиш.

#### 4. Қўйидагилар:

2019-2020 йилларда маданият марказлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 3-иловага\*;

2019 — 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига, зарур ҳолларда, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда 2019 — 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

#### 5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда маданият марказлари фаолиятини, жумладан, маданият марказларини янги қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этиш, шунингдек, самарасиз фаолият юритаётган маданият марказларини мақбуллаштириш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

2019 йилнинг 1 февралига қадар маданият марказлари тўғрисидаги низомни, шунингдек, маданият марказлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда бадий ва тўғарак раҳбарларини уларнинг меҳнат фаолияти натижаси асосида рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

6. Қўйидагилар мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастури доирасида марказлаштирилган манбалар ҳамда республика бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг «Маданият ва санъат фидокори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

---

\* 3 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда «Маданият ва санъат фидоко-ри» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳаси-ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳ-камасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилнинг 1 июнига қадар, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи ва тўғридан-тўғри амал қилувчи «Маданият тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва бел-гиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин:

маданият соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналиш-лари, уларни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари;

маданият соҳасида фуқаролар, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ҳамда эр-кинликлари;

маданий объектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, шунингдек, уларни молиялаштириш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари;

ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, маданият соҳа-сидаги ходимларнинг ижтимоий ҳимояси;

маданий алмашув, халқаро ташкилот ва хорижий давлатлар билан ҳам-корлик, маданият объектлари ва санъат асарларини оммалаштириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг «Халқ чолғулари ижрочилари», Мукаррама Турғунбоева номидаги «Миллий рақс ижрочилари» ва Юнус Ражабий номидаги «Ёш мақом ижрочилари» республика кўрик-танловларини анъанавий равишда ўтказиш тўғрисидаги таклифларига рози-лик берилсин.

Белгилансинки:

а) ушбу республика кўрик-танловлари:

«Халқ чолғулари ижрочилари» кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2019 йилнинг июнь ойида;

Мукаррама Турғунбоева номидаги «Миллий рақс ижрочилари» кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2019 йилнинг октябрь ойида;

Юнус Ражабий номидаги «Ёш мақом ижрочилари» кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2020 йилнинг апрель ойида ўтказилади;

б) ушбу республика кўрик-танловлари ғолибларининг бир нафардан яққа ижрочилари тегишли йўналиши бўйича олий таълим муассасасининг бака-лаврият босқичига қабул квотасига қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги икки ой муддатда ушбу республика кўрик-танловларини ўтказиш тартибларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси-га киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ҳар йили 21 — 27 март кунлари «Театр томошалари ҳафталиги»ни ва унинг доирасида ма-

даний-маърифий тадбирлар, жумладан, театр рассомларининг кўрғазмалари, театр либослари ва декорациялари намоёишларини ташкил қилиш, томошабинлар билан ижодкорлар ўртасида мулоқотлар ўтказиш ҳамда аҳолининг шу кунлари давлат театрларига бепул кириши тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

давлатлараро қўшма лойиҳа доирасида Буюк ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисмини «Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси» ва «Ипак йўли: Фарғона — Сирдарё ҳавзаси» номи остида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатиغا;

ўзбек халқининг кўҳна ва бетакрор санъати намунаси бўлган Хоразм «Лазги»сини «Хоразм рақси — Лазги» номи остида ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатиغا киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (Б.С. Сайфуллаев):

янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирландиган ва жиҳозландиган маданият марказлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонасига белгиланган тартибда киритсин;

янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирландиган ва жиҳозландиган маданият марказларининг манзилли рўйхати параметрларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назоратни таъминласин;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни аниқ мезон ва натижаларни кўрсатган ҳолда мунтазам равишда тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилиши чораларини кўрсин, зарур ҳолларда, фуқаролик жамияти институтлари ва илмий доираларни миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича долзарб масалаларни муҳокама қилишга жалб этсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган ривожлантириш давлат дастурига киритилган маданият марказларини ривожлантириш ва моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш чораларини кўрсин;

«Йўл харитаси», Чора-тадбирлар дастури ва Дастурнинг бажарилиши юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумотларни тақдим этиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

кириш ва ички туризмни ривожлантириш дастурлари доирасида юртимизда ўтказиладиган маданият соҳасидаги тадбирлар ҳамда маданият марказлари томонидан маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун ташкил этиладиган маданий тадбирлар рўйхатини ҳар йили 15 декабрга қадар шакллантирсин;

мазкур тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий оммавий ахборот воситаларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғиб қилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитаси», Чора-тадбирлар дастурлари ва Дастурни амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Маҳмудовга — Концепцияда назарда тутилган вазифаларнинг босқич-ма-босқич тўлиқ амалга оширилиши, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун назарда тутилган «Йўл харитаси»нинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишини ташкиллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — «Йўл харитаси», тегишли Чора-тадбирлар дастури ва Дастурда назарда тутилган вазифаларнинг ижросини тўғри ташкиллаштирилиши ҳамда чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Х. Комиловга — Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари орқали юртимизда ўтказиладиган маданий тадбирларни хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, чет эл мамлакатлари билан маданий ҳамкорликни янада жадаллаштириш, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий сайёҳларни маданий тадбирларга жалб қилиш чораларини кўриши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиб бориш тавсия этилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 ноябрь,  
ПҚ-4038-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги  
ПҚ-4038-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни  
янада ривожлантириш  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Миллий маданиятни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) мамлакатимизда миллий маданият ва санъатни янада ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари, шунингдек, устувор йўналишларини белгилайди. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда мазкур Концепция ғояларига эътибор қаратилади.

2. Мазкур Концепцияда миллий маданият ва санъатни янада ривожлантиришга мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралади, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида ҳамда миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда амалга оширилади.

3. Мамлакатнинг тарихий ривожланиш жараёнида маданият ва санъат халқимизнинг маънавий бойлигини сақлаб, тўплаб авлодларга етказиб келгани, халқимизда бирдамлик, ватанпарварлик ва миллий ғурур хиссини тарбиялаганини эътироф этган ҳолда, маданиятнинг устуворлигига урғу бериш, жамият ҳаёти сифатининг янада юқори даражасини таъминлаш, унда фуқароларнинг ҳамжиҳат бўлишига эришиш, маънавиятли, масъулиятли, мустақил фикрловчи ижодкор шахсни шакллантириш Концепциянинг асосий мазмунини ташкил этади.

**2-боб. Миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг  
асосий мақсади ва тамойиллари**

4. Маданий ва ижтимоий соҳани такомиллаштириш орқали баркамол



шахсни шакллантириш ва жамиятнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

5. Қуйидагилар миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ҳисобланади:

иждод эркинлиги, маданиятлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлилиқ, инсон ҳуқуқлари, миллий ва умумбашарий қадриятларни ҳурмат қилиш ва маданиятлар хилма-хиллигини сақлаш;

маданият ва санъат соҳасида таълим-тарбиянинг тизимлилиги, илмийлиги ва давомийлигини таъминлаш;

маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг оммавийлиги ва очиқлигига эришиш;

шахс руҳияти ва камолотига салбий таъсир кўрсатувчи ғояларга мурасасиз бўлиш кайфиятини шакллантириш.

### **3-боб. Миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

6. Қуйидагилар миллий маданиятни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

а) моддий ва номоддий маданий мерос ҳамда музейлар соҳасида:

аждоқлар томонидан тўпланган тарихий ва маданий тажриба жамият аъзоларининг индивидуал ва умумий ривожланиши учун зарурий шарт эканлигини жамоатчилик онгига сингдириш, бу борада жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк объектларини аниқлаш ва давлат муҳофазасига олиш, бу борада давлат ва жамоат назорати тизимини такомиллаштириш;

асрашга доир ишларга ва археология тадқиқотларига рухсатнома бериш, объектларни идентификациялаш, археология ашёларини ҳисобга олишга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, объектлар ҳақидаги барча маълумотларни ягона электрон ахборот базага бирлаштириш;

чуқур илмий-тарихий ёндашув асосида объектларнинг тарихий-маданий қиммати ва ноёблигига путур етказмаган ҳолда асрашга доир ишларнинг бажарилишини йўлга қўйиш, объектларга табиий ва техноген таъсирларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш;

номоддий маданий мерос элементларини тўплаш, ҳужжатлаштириш ва муҳофаза қилиш, уларнинг сақловчиларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид хорижий давлатлардаги номоддий маданий мерос элементларини ёзиб олиш ва сақлашга кўмаклашиш;

инсоният тараққиёти ва жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган юртимизнинг маданий меросини ЮНЕСКОнинг тегишли рўйхатларига киритиш чораларини кучайтириш;

миллий музей фондидаги музей ашёлари ва коллекцияларини ишончли

сақлаш, фондни бойитиб бориш, илмий ўрганиш, кенг тарғиб этиш ва самарали фойдаланиш;

музейларни бошқаришда самарали менежмент ва маркетинг усуллари-дан фойдаланиш, музейларнинг моддий-техник базасини замон талаблари асосида янада мустаҳкамлаш, уларга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

б) театр, кино ва цирк соҳасида:

замонавий пьесалар, миллий мумтоз, жаҳон классик асарлари асосида театрларнинг узоқ муддатли репертуарини шакллантириш, театрларнинг маҳаллий ва хорижий давлатлардаги гастроль фаолиятини тизимли амалга ошириш;

тарихий шахслар, замонамиз қаҳрамонлари образларини яратиш, театр ва кино асарларининг гоёвий-бадий даражасини кўтариш, халқаро майдондаги рақобатбардошлигини ошириш, театр ва кино танқидчилигини кучайтириш;

халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий истиқлол гоёларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, бузгунчи гоёларга қарши иммунитетни янада кучайтиришда театр ва кино санъатининг ролини ошириш;

миллий кино маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш ва уларнинг халқаро кинофестивалларда муносиб ўрин эгаллашига эришиш;

тарихий ҳақиқат ва реал воқеликни ёрқин акс эттирувчи ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратиш тизимини такомиллаштириш;

цирк дастурларининг бадий савиясини ошириш ва томошабинлар камровини кенгайтириш, халқаро майдонда миллий цирк санъати нуфузини янада юксалтириш;

аҳолининг цирк томошаларига қизиқишини инобатга олиб, кўчма цирклар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, циркларда хавфсизлик чораларини кучайтириш;

театр, кино ва цирк муассасаларининг моддий-техник базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш ва жиҳозлаш;

в) миллий мусиқа санъати соҳасида:

авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, янги шароитларда ривожлантириш ва улардан халқимизни баҳраманд қилиш учун кенг имкониятлар яратиш;

композитор, бастакор ва созандалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳаваскорлар орасидан истеъдодли ижрочиларни аниқлаш мақсадида турли даражадаги кўрик-танловларни ўтказиш, анъанавий мусиқа жанрларини янги шарт-шароитларда ривожлантириш мақсадида «устоз-шоғирд» анъанасини янада ривожлантириш;

миллий ва жаҳон композиторлари ижодиётини инсоният интеллектуал хазинаси сифатида халқ орасида кенг тарғиб қилиш, замонавий руҳда юксак бадий асарлар яратиш, катта мусиқий асарлар, жумладан, опера, симфония, концерт ва оратория каби мумтоз жанрларни ривожлантириш;

ёш композиторлар, бастакорлар, мусиқашунослар ва ижрочиларнинг

ижод билан самарали шуғулланишлари учун барча имконият ва шароитларни кенгайтириш;

Ўзбекистон давлат филармонияси таркибидаги бадий жамоалар ижросидаги мусиқий асарларнинг бадий ва тарбиявий аҳамиятини юксалтириш ҳамда халқнинг, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш;

г) миллий эстрада санъати соҳасида:

миллий қадриятлар асосида эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш ва тарғиботини кучайтириш;

истеъдодли эстрада хонандаларини аниқлаш ва уларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

аҳолининг маданий эҳтиёжларини қаноатлантиришга, ёшларни юқори савиядаги миллий эстрада қўшиқлари намуналари асосида тарбиялашга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирлар, концертлар ва гастролларни тизимли ташкил этиш;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ҳузуридаги «Ўзбекистон халқ артистлари клуби» фаолиятини янада ривожлантириш, мусиқа мактабларида таҳсил олаётганлар учун «махорат дарслари»ни ўтказиш ва истеъдодли ёшларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;

мусиқа ва санъат мактабларида «устоз-шогирд» аъёнларини ривожлантириш ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокида ижодий учрашувлар ташкил этиш;

ижодий бирлашмалар, жамоалар ва яккагон ижрочиларнинг фаолияти, репертуарлари ва сценарийларининг гоёвий ва бадий савиясини ошириш;

д) миллий рақс санъати соҳасида:

миллий рақс санъатининг ривожланиш босқичларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, жаҳон маданиятида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва унинг янги намуналарини яратиш;

«устоз ва шогирд» аъёнаси асосида миллий рақс соҳасидаги етук рақс усталари, истеъдодли ва юқори малакали ижрочиларнинг рақс мактабларини яратиш, уларнинг услубларини тиклаш ва ривожлантириш;

миллий рақс санъатининг ноёб меросини, шу жумладан, миллий қадриятларни акс эттирувчи сахна либосларини сақлаб қолиш, тиклаш ва янгиларини яратиш;

миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда миллий рақс ва хореография санъатини бадий жиҳатдан ривожлантириш;

авлоддан-авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш;

мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асраш, авайлаш, халқимизга эстетик завқ бағишловчи замонавий ўзбек рақс мактабини яратиш;

е) тасвирий ва амалий санъат соҳасида:

тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳаларида истеъдодли ижодкорларни барвақт аниқлаш, уларни қўллаб-қувват-

лаш, ижодкорларнинг бадий салоҳиятини ошириш тизимини такомиллаштириш;

халқ усталарининг ўзига хос услуги ва мактабини давом эттириш, атоқли маданият ва санъат арбоблари билан тажриба алмашишда «устоз-шогирд» анъанасидан самарали фойдаланиш, шунингдек ижодий устахоналар фаолиятини кучайтириш;

халқ амалий санъати анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, халқ ҳунармандчилигини қўллаб-қувватлаш;

юртимиз ва хорижда кенг қўламдаги кўргазмалар ташкил этиш орқали миллий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш;

буюк рассомлар, халқ усталари ва рассомлари, санъат арбоблари ва истеъдодли ёш ижодкорларнинг сара асарларини оммалаштириш;

ё) маданият ва истироҳат боғлари ҳамда маданият марказлари соҳасида:

маданият ва истироҳат боғлари ҳамда маданият марказларининг моддий-техник базасини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш;

истироҳат боғларининг қиёфасини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларда халқ сайилларини доимий ўтказиш тизимини яратиш, аттракцион ва ўйин қурилмаларининг техник хавфсизлигини таъминлаш.

маданият марказларида халқ бадий ҳаваскорлик ва ижрочилик санъатини ривожлантириш, уларнинг шакл ва усулларини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

жойларда маданий-маърифий фаолиятнинг самарали усулларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларни умумлаштириш ва тарғиб қилишга кўмаклашиш;

ж) илм-фан, таълим, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида: соҳада профессионал малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, педагог кадрларнинг салоҳиятини ошириш тизимини такомиллаштириш;

мактабгача таълим муассасаларида бошланғич мусиқа тушунчаларини шакллантирувчи (фольклор мусиқа, академик мумтоз мусиқа, эстрада мусиқаси) махсус адабиётлар яратиш ва болалар ижро репертуарини шакллантириш;

соҳадаги бошланғич, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълимнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, унинг пировардида истеъдодли ижодкорларни етиштириш;

соҳада илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, илмий натижаларни амалиётга жорий этиш ҳамда санъат аҳлининг меҳнат ва ижод шароитини яхшилаш;

жаҳоннинг машҳур маданият ва санъат муассасалари билан тажриба алмашиш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш;

хорижий ва миллий анъанавий таълим тизимининг энг яхши ютуқларидан, шунингдек, соҳада таълимни ривожлантиришга асосланган технологиялардан кенг фойдаланиш;

э) маданият туризми соҳасида:

маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва уларга мос янги кўнгилочар марказлар, маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш;

маҳаллий маданият ва санъат муассасаларини жаҳон маданий маконига пухта интеграция қилиш, мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантиришда бой тарихий-маданий меросдан ҳамда маданият ва санъатнинг замонавий йўналишларидан самарали ва тўлиқ фойдаланиш;

юртимизда ва жаҳонда маданий меросимизга бўлган қизиқишни янада кучайтириш, уларни оммалаштириш ва маданиятнинг турли йўналишлари бўйича туризмнинг имкониятларини кенгайтириш;

мамлакатнинг ноёб маданият объектлари, хусусан, тарихий-маданий мажмуаларини ёрқин намоен этган ҳолда сайёҳларни оммавий жалб этадиган жозибали кўринишини яратиш;

республикамиз ҳудудларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, туризмни ривожлантириш борасидаги лойиҳалар доирасида муҳим ўрин тутадиган янги маданий сайёҳлик йўналишларини яратиш ва ривожлантириш;

маданият ва санъат соҳасида миллий брендларни яратиш ва уларнинг халқаро туризм бозорларига кириб боришига комплекс ёндашиш, маданият соҳасида халқаро танлов ва фестиваллар ўтказишни қўллаб-қувватлаш.

#### **4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

7. Концепцияни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришилади:

маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий база, ушбу соҳадаги институционал тизим ва маданият муассасалари фаолияти такомиллаштирилади;

ёш авлод онгида анъанавий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳисси шаклланади, этник маданий анъаналарни асраш ва уларга асосланган халқ ижодиёти ривожланади;

аҳоли, жумладан, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилади;

маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилади, маданият ва санъатни янада кенг тадқиқ ва тарғиб этиш жараёнида инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланилади;

маданият ва санъат муассасалари фаолиятининг самарадорлиги ортади, моддий-маданий мерос объектларини ишончли сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилади;

узвий таълим тизими яратилади ҳамда маданият соҳасида фан ва тадқиқот ишлари янада юқори поғонага кўтарилади;

соҳада маҳоратли ижрочи ва ижодкорлар, профессионал кадрларни тайёрлаш тизими такомиллаштирилади;

мамлакатимизнинг тарихини ўрганиш, уни тарғиб қилиш ва сайёҳлик салоҳиятини оширишда музейларнинг роли ортади;

соҳада хизмат кўрсатишнинг сифати оширилади ва яратилаётган асарларнинг бадиий савияси юксалади;

маданият ва санъат соҳасида фаолият юритаётган кенгашларнинг ўрни янада ортади;

етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик кенгайди ва мустақкамланади;

миллий санъат анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг жаҳон саҳнасида эътироф этилиши учун шароитлар яратилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

8. Мазкур Концепция давлат ва жамият фаолиятининг барча соҳаларини модернизация қилиш, маданият соҳасида ислоҳотлар ўтказиш, мамлакатнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши, жамиятни ривожлантиришнинг мақсад ва аҳамиятини англашга хизмат қилувчи маданий муҳитда интеллектуал ва маданий ривожланган кадрларни тайёрлаш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

9. Концепциянинг амалга оширилиши маданиятнинг устуворлигига урғу бериш орқали жамият ҳаёти сифатининг янада юқори даражасига эришиш, халқимизда ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, фуқароларни аҳил, маънавиятли, масъулиятли, мустақил фикрловчи, ижодкор шахс сифатида шакллантириш, маданият соҳасидаги хизматлар бозорини кенгайтириш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**922 Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги  
фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда сув хўжалиги объектларининг ҳолатини яхшилаш, сувдан оқилона фойдаланиш, шунингдек, унинг ҳудудий таъминотиغا алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда мавжуд сув хўжалиги объектларининг миқдори, каналлар узунлиги ва сув ресурсларини тақсимлаш майдонлари сув ресурсларини оқилона бошқаришга алоҳида ёндашувни шакллантиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ҳозирда мавжуд вазият сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати устидан тезкор назорат тизимини яратиш, уларни ўз вақтида реконструкция ва модернизация қилиш, шунингдек, мазкур соҳада лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини яхшилаш бўйича чоралар қабул қилинишини тақозо этади.

Сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, шунингдек, сув хўжалиги объектлари ҳолатини яхшилашда таъсирчан тизимни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида берилсин.

Белгилансинки, Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси мавжуд штат бирлиги ва моддий-техника базаси билан тўлиқ, амалдаги молиялаштириш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби сақланган ҳолда ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тузилмасида умумий штат бирлиги доирасида қуйидаги бошқармалар ташкил этилсин:

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «Сурхондарё» магистрал тизими;

Чирчиқ-Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Тошкент магистрал канали;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги ирригация тизимлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Сув хўжалиги вазирлигини давлат номидан «ЎзГИП» МЧЖ иштирокчиси функцияларини амалга оширувчи орган қилиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги Низомнинг янгиланган лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 29 ноябрь,  
ПҚ-4039-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги  
ПҚ-4039-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига  
киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3029-сон қарорининг:

а) 4-бандида:  
еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
саккизинчи — ўнинчи хатбошилари тегишлича еттинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-иловадан «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси» блоки чиқариб ташлансин;

в) 11-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 12-иловадан «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси» блоки чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги



«Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3672-сон қарорининг:

а) 1-бандида:

бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«туманлар ирригация бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар, ирригация тизим бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 5 — 5д-иловаларга мувофиқ»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмаси ба-иловага мувофиқ»;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илова\* матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

в) қуйидаги тахрирдаги 5г ва 5д-иловалари\* билан тўлдирилсин:

г) қуйидаги мазмундаги ба-илова\* билан тўлдирилсин:

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **923 Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*\***

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди.

Сув ва канализация тармоқларини, шу жумладан, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари доирасида қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда.

Бироқ, бу борада кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳасида белгиланган тадбирларни амалга

---

\* 1, 5г, 5д, ба-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

\*\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 декабрда эълон қилинган.

оширишга тўсқинлик қилаётган қатор ҳал этилмаган муаммолар ҳамон мавжуд.

Хусусан, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид зарур барча ахборотни «онлайн» режимда киритиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона тизимнинг йўқлиги сувни исроф қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ошиб кетаётганининг сабабларидан биридир.

Сув таъминоти тармоқлари ва иншоотларидан самарасиз фойдаланилаётгани, шунингдек, жойлардаги асосий фондларни модернизация қилиш ва янгилаш лойиҳалари ишончли молиялаштирилмаётгани ускуна ҳамда техникаларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда тез ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Аҳоли пунктларида канализация тизимларини қуриш ва барпо этилаётган кўп квартирали уйларни уларга улаш масаласига лозим даражада эътибор берилмаяпти.

Замонавий бошқарув шакллари ва усуллари етарлича жорий этилмаганлиги, кадрлар салоҳиятининг пастлиги сув таъминоти ҳамда канализация объектларини самарали бошқариш ва улардан фойдаланишни таъминлаш имконини бермаяпти.

Сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифатини, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, тўғридан-тўғри, авваламбор, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш асосида ишончли молиялаштириш манбаларини ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар сув таъминоти ва канализация тизимларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

сув таъминоти ва канализация корхоналарини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида илғор хорижий тажрибани босқичма-босқич жорий қилиш;

сув таъминоти ва канализация соҳасида ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган замонавий ахборот ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, республикадаги барча истеъмолчиларни ичимлик сувини ҳисобга олувчи замонавий асбоблар билан жиҳозлаш;

турар-жой комплексларини қуришда санитария талабларини, шу жумладан, маҳаллий тозалаш иншоотларини қўллаш орқали таъминлаш мақсадида канализация объектларини ичимлик суви таъминоти объектлари билан биргаликда лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ўзи тўлиқ қоплашини таъминлайдиган, сув таъминоти ҳамда канализация объектларини бошқариш ва улардан фойдаланишга хусусий секторни жалб қилиш имконини берадиган янги тариф сиёсатини ишлаб чиқиш орқали сув таъминоти ва канализация корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;

сув таъминоти ва канализация соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа идоралар билан биргаликда халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда, қўйидагиларни назарда тутувчи 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида сув таъминоти ва канализация соҳасини ривожлантириш концепциясининг (кейинги ўринларда — Концепция) лойиҳасини 2019 йил 1 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

сув таъминоти ва канализация соҳасининг аҳволи ва уни ривожлантириш йўналишларини комплекс таҳлил қилиш;

аҳолини ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлашнинг мақсадли кўрсаткичлари;

сув таъминоти ва канализация объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасига хусусий секторни жалб қилиш;

тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри, аввало, хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион ечимлар, шунингдек, ичимлик сувини ҳисоблашнинг замонавий асбобларини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги икки ой муддатда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг техник қўмаги маблағлари ҳисобидан Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш ишларини молиялаштиришнинг аниқ манбаларини аниқласин.

### 3. Қўйидагилар:

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети доирасида марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ҳисобидан амалга ошириладиган сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг манзилли дастури ва тармоқ жадваллари 1.1 — 1.15-иловаларга\* мувофиқ;

2019 йилда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг манзилли дастури ва тармоқ жадвали 2.1-2.2.-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Жаҳон банкининг 2017 йил февраль ойида ўтказилган миссияси натижаларига кўра, Жаҳон банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 августдаги ПҚ–1610-сон қарори билан тасдиқланган, Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Сирдарё вилоятининг Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминотини яхшилаш» лойиҳаси бўйича 4869-UZ-сон кредитни ёпиш муддати 2019 йил 30 июнга қадар узайтирилишини тасдиқлаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

---

\* 1-2.2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг лойиҳани амалга ошириш муддатини 2019 йил 30 июнга қадар узайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахслар қуйидаги лойиҳалар доирасида юридик шахсларнинг ишлар ва хизматлар кўрсатишдан топилган даромадидан олинadиган фойда солигидан озод этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 16 апрелдаги ПҚ–1324-сон қарори билан тасдиқланган «Навоий ва Бухоро вилоятлари туман марказларини туташтирган ҳолда Дамхўжа ҳудудлараро сув қувурини модернизация қилиш. Термиз шаҳрининг канализация тизимини реконструкция қилиш» лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июлдаги ПҚ–1378-сон қарори билан тасдиқланган «Қўқон ва Андижон шаҳарларининг сув таъминоти ва канализация тизимини ҳамда Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Риштон тумани марказининг сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш» лойиҳаси.

6. Солиқ имтиёзлари бериш натижасида бўшаб қоладиган маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикасининг мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишга қўшган ҳиссаси эканлиги белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги «Тоза ичимлик суви» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) айлантирилсин ва унга канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштириш бўйича қўшимча вазифалар юклансин.

Жамғарманинг 248,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги дастлабки капитали қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилсин:

2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети доирасида сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш ҳамда модернизация қилишга йўналтириладиган капитал қўйилмалардан — 131,8 млн. АҚШ доллари эквивалентида;

ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредитларидан — 95,6 млн. АҚШ доллари миқдорида;

2019 йил бошида белгиланадиган Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари, Тошкент шаҳар бюджети маблағларининг бўш қолдиқларидан — 20,7 млн. АҚШ доллари эквивалентида.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси 2019 йил 1 апрелга қадар сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари заёмларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишни молиялаштиришга комплекс ёндашув тизимини назарда тутилган ҳолда, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда тасдиқласин;

сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳаларини Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот тизимида очиладиган газначилик шахсий ҳисобрақами орқали молиялаштиришга рухсат берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда хорижий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, Тошкент шаҳри сув таъминоти ва канализация тизимини модернизация қилиш ва бошқариш лойиҳасини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш чораларини кўрсин;

2019 йил 1 апрелгача Андижон, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида Швейцария Конфедерацияси Ҳукуматининг грантлари иштирокида амалга оширилган тажриба лойиҳалари асосида сув таъминоти ва канализация объектларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг тажрибадан ўтказилган ушбу шакллари бошқа қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам татбиқ этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йил 1 июлгача Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Қарши шаҳарларида сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрласин ва танлов ўтказсин.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда канализация-тозалаш иншоотларида ҳосил бўлган қуйқалардан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида самарали фойдаланиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Сув таъминоти ва канализация соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар тегишли шартнома имзоланган санадан бошлаб 3 йил муддатга:

ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловларни;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материалларни олиб келишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

12. Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар Сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тартибга

солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва ушбу низомда истеъмолчилар учун тарифлар хизмат кўрсатиш таннархини тўлиқ қоплаши, шунингдек, сув таъминоти ва канализация корхоналарини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш харажатларини ҳисобга олиш имконини берадиган тартиб назарда тутилсин.

13. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги келгуси йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурини шакллантиришда сув таъминоти ва канализация соҳасида халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга йўналтириладиган бюджет маблағларини назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сув захираларининг таъминланган дебети мавжуд бўлганда, табиий ҳамда сунъий сув хавзаларидан сув ресурсларини сув таъминоти ва канализация корхоналарига устувор тартибда етказиб берсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси:

ушбу қарор билан тасдиқланган 2019 йилги манзилли дастурга киритилган шаҳарлар, туман марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш учун сув захираларини аниқлаш бўйича гидрогеологик ишлар;

3-иловага\* мувофиқ 2020 йилга мўлжалланган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастури доирасидаги гидрогеологик ишлар бажарилишини таъминласин.

16. Гидрогеологик ишларни ўтказмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг ер ости ичимлик сувлари мавжудлиги ҳақидаги тегишли хулосасини олмасдан сув таъминоти объектларини қуриш тақиқлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

канализация хизматлари учун тарифларга миқдори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳудудий молия органлари билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган махсус устама пули белгилаш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2019 йил ва келгуси йилларда сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурларни мувофиқлаштириш ва бажаришни таъминлаш учун тўртта ҳудудлараро филиаллар негизида мамлакатнинг барча ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) «Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» ДУКнинг ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки:

а) канализация хизматлари учун тарифларга махсус устама пул суммаси: мақсадли тушум ҳисобланади ва барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилмайди, шунингдек, сув таъминоти ва канализация корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбаи ҳисобланади;

б) 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, атроф-муҳитни ифлослантириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқиндиларни жойлаштириш учун компенсация тўловларининг канализация ташланмаларига тааллуқли қисми Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ундирилади ҳамда қуйидаги тарзда тақсимланади:

74 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига;

26 фоизи — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига.

18. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Бош прокуратура билан биргаликда икки ой муддатда оқова сувлар нормадан ортиқ ташланишини ҳисобга олиш тизими, тўловчилар тўлиқ қамраб олингани, шунингдек, белгиланган йиғим миқдорларини танқидий таҳлил қилсин ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда:

2019 йил 1 июнгача 2019 — 2021 йилларда ичимлик сувини ҳисобга олишнинг замонавий асбоблари ва тегишли ускуналарни харид қилишнинг молиялаштириш манбаларини аниқласин;

2019 йил 1 июлгача аҳоли пунктлари ва сув таъминоти объектлари кесимида 2019 — 2021 йилларда ичимлик сувини ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини ўрнатиш графиклари тасдиқланишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июлгача:

сув таъминоти ва канализация тизимлари объектларини модернизация қилиш, самарали бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш, шу жумладан, маҳаллий тозалаш иншоотларини жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш учун таклифлар тайёрланишини;

сув таъминоти ва канализация объектларини, шу жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларидаги маҳаллий тозалаш иншоотларини бошқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатишга малакали хусусий оператор компанияларни (хусусий шерикларни) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кейинчалик жалб қилиш мақсадида улар билан музокаралар ўтказилиши ва уларнинг очиқ рўйхати шакллантирилишини таъминласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда сув таъминоти ва канализация корхоналарининг кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини (қўшма факультетлар) очиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда:

сув таъминоти ва канализация объектларидан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклик шартномаларини тузиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин ҳамда бунда сув таъминоти ва канализация хизматлари учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги тегишли келишувларда белгиланган даражадан паст бўлмаган тарифлар шакллантирилишини назарда тутсин;

сув таъминоти ва канализациянинг, шу жумладан, қишлоқ жойлардаги тизимларига хизмат кўрсатиш бўйича норматив ҳужжатлар ҳамда хусусий оператор компанияларни (хусусий шерикларни) танлаш механизминини, шартнома ва келишувларнинг намунавий лойиҳаларини, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувларда кўрсатиладиган техник ва молиявий кўрсаткичлар, шунингдек, улар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

д) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид барча зарур ахборотни киритиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона геоахборот тизимини жорий қилиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин.

20. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовга — ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлашни қатъий назорат қилиш;



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмуродовга — халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жалб этиладиган маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, салоҳиятли инвесторларни топиш ҳамда сув таъминоти ва канализация соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоровга — ушбу қарорда назарда тутилган лойиҳаларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш, шунингдек, сув таъминоти ва канализация соҳасидаги лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш механизмлари сифатли ишлаб чиқилиши;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Солиевга — ушбу қарорда назарда тутилган объектлар лойиҳа ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва тасдиқланиши, уларнинг қурилиши ва ишга туширилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

21. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов ва Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 30 ноябрь,  
ПҚ-4040-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**924 Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида\***

Умумэтироф этилган халқаро талаб ва стандартларга, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қурилиш, архитектура, электротехника ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда олий маълумотли малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Аджу университетининг (Корея Республикаси) Тошкент шаҳрида Аджу университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболларига мувофиқ қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган янги таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фан узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълим ҳамда илмий ҳамжамиятига интеграциялаш асосида ривожлантириш;

меҳнат бозорида мавжуд муаммо ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ўқитишнинг педагогик услублари ва технологияларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатлар, аввало, Корея Республикасининг етакчи таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлаш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, Аджу университети (Корея Республикаси):

Университетнинг ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 декабрда эълон қилинган.

Университетнинг мутахассислари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг, шу жумладан, чет элда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

Университет кутубхона фондиди шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техникавий адабиётлар билан тўлдириш, шунингдек, Аджу университети (Корея Республикаси) ресурслар базасидан фойдаланиш имкониятини тақдим этган ҳолда замонавий ахборот-ресурс марказини ташкил этишга кўмаклашади.

#### 4. Белгилансинки:

Университет кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган асосий йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича барча даражадаги мутахассисларни, шу жумладан, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахс мақомига эга бўлган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Университетга абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Аджу университети (Корея Республикаси) томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Университет таълим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини инобатга олган ҳолда Аджу университетининг (Корея Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширади;

Университетда ўқишни тамомлаган битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган Аджу университетининг (Корея Республикаси) белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Университетни молиялаштириш талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайриялари, манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган техник кўмак маблағлари (грантлар), шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Университетга 2019/2020 ўқув йили учун қабулни ташкил этиш, шу жумладан, бино ва иншоотларни ўқув йилига тайёрлаш бўйича таъмирлаш-қурилиш ишлари, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва мослаштириш, ўқув ва илмий лабораторияларни харид қилиш, ўқитиш бўйича зарур ахборот-коммуникация тизимларини яратиш, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

#### 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2019/2020 ва 2020/2021 ўқув йилларида ўқишга қабул қилинган талабалар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун улар Университетни тамомлагунига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан

контракт суммасининг республикадаги бошқа давлат олий таълим муассасаларида тегишли таълим йўналишларида ўқитиш қиймати миқдоридан ортик қисмини тўлаб бериш кўринишида давлат кўмаги (кейинги ўринларда — давлат кўмаги) тақдим этилади, контракт юридик шахслар — салоҳиятли иш берувчилар томонидан тўланиши ҳоллари бундан мустасно;

давлат кўмаги тақдим этилган Университет битирувчилари республиканинг давлат ташкилотларида камида уч йил ихтисослиги бўйича ишлаб бериш шarti билан ишга тақсимланади.

6. Тошкент шаҳридаги Аджу университети Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) таркиби иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Университет фаолиятининг ташкил этилишини таъминлаш, унинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, молиявий, юридик, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этиш;

Университет фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича Аджу университети (Корея Республикаси) раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш;

зарур лойиҳа, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, Университетни жиҳозлаш, инфратузилмасини яратиш, моддий-техник таъминлашга доир графикларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Университет фаолиятини ташкил этиш бўйича тасдиқланган графикларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам назорат ва мониторинг олиб бориш;

таълим жараёнини, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифатини тизимли равишда ошириш, Университет битирувчиларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозорининг кейинги ривожини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилашда кўмаклашиш;

Аджу университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий соҳанинг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 2019/2020 ўқув йилида ва кейинги йилларда Университетга қабул қилиш квоталарини ва ўқиш учун контракт суммасини белгилаш;

Университет фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун хайрия маблағлари, техник кўмак маблағларини (грантларни) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

Университетнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш, Университетнинг ижтимоий ва маиший инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш;

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

талабаларни, энг аввало, етим болалардан ва ота-она васийлигисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, иқтидорли талабаларни ўқитиш учун стипендиялар ажратиш, талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва уларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини фойдали ташкил этиш, шунингдек, талабаларнинг дам олишлари учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

махсус стипендиялар бериш орқали Аджу университетига (Корея Республикаси) ва соҳага ихтисослашган хориждаги бошқа етакчи таълим муассасаларига стажировка ўташга юбориш учун энг истиқболли талабаларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш.

7. Васийлик кенгаши Аджу университети (Корея Республикаси) билан келишган ҳолда:

а) бир ой муддатда:

Университет Уставини тасдиқласин, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Университетнинг тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқласин;

б) 2019/2020 ўқув йили бошлангунига қадар Университетни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасаларида фойдаланиладиган зарур ўқув-методик мажмуалар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Аджу университетининг (Корея Республикаси):

Университетда 2019/2020 ўқув йилида бакалавриятнинг «Архитектура», «Электротехника» ва «Қурилиш инжиниринги» таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Аджу университетининг (Корея Республикаси) магистратура мутахассисликлари бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Иқтисодиёт ва бизнес олий мактабини очиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Университетга:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Аджу университети (Корея Республикаси) билан келишган ҳолда бакалаврият ва магистратуранинг янги истиқболли таълим йўналишлари ва мутахассисликларини, шу жумладан, Аджу университети (Корея Республикаси) стандартлари асосида кўп тармоқли клиника, илмий-тадқиқот лабораториялари ва диагностика марказига эга тиббиёт факультетини белгиланган тартибда очиш;

Университетга ўқитувчилик қилиш ва илмий иш олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаши ҳамда транспорт харажатларига тузиладиган шартномалар асосида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) бир ой муддатда Тошкент шаҳрида жойлашган касб-ҳунар коллежларидан бирининг бино ва иншоотларини Университетга бепул фойдаланиш учун берилишини таъминласин.

11. Университет 2021 йил 1 декабрга қадар муддатга Университетни жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш, шунингдек, унинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, компьютер ва оргтехникалар, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарь ва бошқа моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Университет буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Университет буюртманомаларига биноан Университетнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Абдухакимов ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 30 ноябрь,  
ПҚ-4041-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**925** Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг за-  
монавий усуллари жорий этишга доир чора-тад-  
бирлар тўғрисида\*

Ҳозирги кунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида, шу жумладан, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфсиз бўлган мақбул сифатли товарларни сотиб олишда, шунингдек, товарлар ва уларнинг ишлаб чиқарувчилари тўғрисида тўғри маълумот олишда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ноқонуний айланаётган, паст сифатли, контрафакт ва қалбакилаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг ошиши суръатлари кузатилмоқда, бу эса фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказмоқда, носоғлом рақобатга ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети йўқотишларига олиб келмоқда, шунингдек, коррупция ва бошқа қонунбузилишлари юзага келиши учун шароит яратмоқда.

Алоҳида турдаги товарларнинг республикага ноқонуний олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш, уларнинг самарали ҳисобини таъминлаш, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб, товарлар тоифасидан келиб чиқиб, импорт қилинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган товарларни ҳимояланган белги ва (ёки) нано-молекуляр технологиядан фойдаланган ҳолда мажбурий маркировкалашни (кейинги ўринларда — маркировкалаш) босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Маркировкаланиши мажбурий бўлган товарлар гуруҳлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда Маркировкаланиши мажбурий бўлган товарлар гуруҳлари рўйхатини тўлдириб боришга рухсат берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мажбурий маркировкалаш жорий этилган санадан бошлаб, мазкур қарор иловасида кўрсатилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маркировкасиз сотиш тақиқланади;

Маркировкаланиши мажбурий бўлган товарлар гуруҳлари рўйхатига янгидан қўшилган товарларни, ушбу товарлар рўйхатга киритилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида маркировкасиз сотилишига рухсат этилади;

мазкур қарорга иловада кўрсатилган, шу жумладан, акцизли товарлар-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 декабрда эълон қилинган.

ни маркировкашга доир хизматларни бевосита маркировкаш бўйича хизматлар ягона етказиб берувчисидан сотиб олиш хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 январига қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, товарларни ҳимояланган белги ва нано-молекуляр технологиядан фойдаланган ҳолда мажбурий маркировкаш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин:

маркировкаш бўйича хизматлар етказиб берувчиси, тадбиркорлик субъектлари ва товарларни мажбурий маркировкашга доир талаблар бажарилиши устидан назоратни таъминловчи органларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини;

маркировкаш тартиби ва тартиботларини, маркировкаш, шу жумладан, акцизли маркировкаш хизматларининг баҳоси ва сотиб олиш тартибини;

маркировкаш бўйича хизматлар етказиб берувчиси маълумотлар базасидан фойдаланадиган давлат органлари рўйхатини;

маркалар, шу жумладан, акциз маркалари сотилиши ва маркировкаш бўйича хизматлар кўрсатилиши устидан мониторинг қилиш тартибини.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2019 йилнинг 1 февралига қадар энг яхши таклифларини саралаб олиш асосида кўрсатиладиган хизматлар ишончлилиги ва сифатини, юқори ҳимояланган даражасини таъминлай оладиган, амалий тажрибага эга бўлган маркировкаш бўйича хизматлар етказиб берувчисини танлашни, маркировкаланиши мажбурий бўлган товарлар қийматининг сезиларли оширилмаслигини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган етказиб берувчи билан музокаралар ўтказилишини таъминласин, шунингдек, у билан тузилаётган шартнома бутун муддати давомида кўрсатиладиган хизматлар баҳосини қатъий белгилаган ҳолда 5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга шартнома тузсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига жарима санкциялари миқдорларининг оширилишини кiritган ҳолда товарларни маркировкасиз сотганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзшаробсаноат» АЖ, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-



каснинг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 30 ноябрь,  
ПҚ-4042-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги  
ПҚ-4042-сон қарорига  
ИЛОВА

**Мажбурий тартибда маркировкаланадиган  
товарлар гуруҳлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди 2017 йил	Мажбурий тартибда маркировкалашни бошлаш санаси
1.	Сувлар, шу жумладан, маъданли ва газланган, таркибига шакар ёки бошқа чучуклаштирувчи ёхуд таъм-ифорли моддалар қўшилган сувлар; таркибида алкоголь бўлмаган бошқа ичимликлар, 2009 товар позициясидаги мева ёки сабзавот шарбатлари бундан мустасно	2202	2019 йил 1 август
2.	Ундирилган дондан тайёрланган пиво	2203 00	2019 йил 1 август
3.	Узумдан тайёрланган табиий винолар, шу жумладан, қучайтирилган винолар; узум шарбати, 2009 товар позициясида кўрсатилган турлардан ташқари	2204	2019 йил 1 август
4.	Вермутлар; ўсимлик ёки ифорли моддалар қўшилган, узумдан тайёрланган бошқа турдаги табиий винолар	2205	2019 йил 1 август
5.	Бошқа ачқитилган ичимликлар (масалан, сидр, перри ёки нок сидри, асалдан тайёрланган ичимлик, сакэ); бошқа жойда номланмаган ва киритилмаган ачқитилган ичимликлар аралашмалари ҳамда ачқитилган ичимликлар ва таркибида алкоголь бўлмаган ичимликлар аралашмалари	2206 00	2019 йил 1 август
6.	Спирт концентрацияси 80% ёки ундан ортиқ бўлган, табиийсизлантирилмаган этил спирти; ҳар қандай даражада концентрацияланган, табиийсизлантирилган этил спирти ва бошқа спиртли дамламалар	2207	2019 йил 1 август
7.	Спирт концентрацияси 80% дан кам бўлган, табиийсизлантирилмаган этил спирти; спиртли дамламалар, ликёрлар ва бошқа спиртли ичимликлар	2208	2019 йил 1 август
8.	Таркибида тамаки бўлган сигаралар, учлари кесилган сигаралар ва сигариллалар	2402 10 000 0	2019 йил 1 август
9.	Таркибида чиннигул бўлган сигареталар	2402 20 100 0	2019 йил 1 август
10.	Таркибида тамаки бўлган бошқа сигареталар	2402 20 900 0	2019 йил 1 август
11.	АИ-95-К3 маркали этилланмаган бензин	2710124500	2019 йил 1 август
12.	АИ-95-К4 маркали этилланмаган бензин	2710124500	2019 йил 1 август
13.	АИ-95-К5 маркали этилланмаган бензин	2710124500	2019 йил 1 август
14.	АИ-92-К3 маркали этилланмаган бензин	2710124130	2019 йил 1 август

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди 2017 йил	Мажбурий тартибда маркировкалашни бошлаш санаси
15.	АИ-92-К4 маркали этилланмаган бензин	2710124130	2019 йил 1 август
16.	АИ-92-К5 маркали этилланмаган бензин	2710124130	2019 йил 1 август
17.	АИ-80-К3 маркали этилланмаган бензин, Нормал-80 (АИ-80-К2) маркали этилланмаган, экспортга тайёрланган бензин	2710124120	2019 йил 1 август
18.	АИ-80-К4 маркали этилланмаган бензин	2710124120	2019 йил 1 август
19.	АИ-80-К5 маркали этилланмаган бензин	2710124120	2019 йил 1 август
20.	Нормал-80 (АИ-80-К2) маркали этилланмаган, экспортга тайёрланган бензин	2710124120	2019 йил 1 август
21.	Ёзги, тўғридан-тўғри ҳайдаладиган мотор бензини	2710121100	2019 йил 1 август
22.	Қишки, тўғридан-тўғри ҳайдаладиган мотор бензини	2710121100	2019 йил 1 август
23.	А маркали, тўғридан-тўғри ҳайдаладиган, экспортга тайёрланган технологик бензин (тўғридан-тўғри ҳайдаладиган бензин)	2710121100	2019 йил 1 август
24.	П маркали, тўғридан-тўғри ҳайдаладиган, экспортга тайёрланган технологик бензин (тўғридан-тўғри ҳайдаладиган бензин)	2710121100	2019 йил 1 август
25.	Таркибида бензол бўлган фракция	2710121100	2019 йил 1 август
26.	Газли барқарор бензин	2710121100	2019 йил 1 август
27.	Дизел ёқилғиси (шартномавий махсус олтингугурт масса улуши 0,1% гачани ташкил этган)	2710194250 — 2710194600	2019 йил 1 август
28.	Экспортга тайёрланган дизел ёқилғиси	2710194210 — 2710194800	2019 йил 1 август
29.	Дизел ёқилғиси	2710194210 — 2710194800	2019 йил 1 август
30.	Дизел ёқилғиси (шартномавий махсус олтингугурт масса улуши 0,8% гачани ташкил этган)	2710194250, 2710194600, 2710194800	2019 йил 1 август
31.	С навли, II тур ЕВРО дизел ёқилғиси	2710194210	2019 йил 1 август
32.	С навли, К5 (ДТ-Л-К5) экологик таснифдаги ЕВРО дизел ёқилғиси	2710194210	2019 йил 1 август
33.	С навли, III тур ЕВРО дизел ёқилғиси	2710194210	2019 йил 1 август
34.	Ёзги, С навли, экологик таснифи К3 (ДТ-Л-К3) бўлган ЕВРО дизел ёқилғиси	2710194210	2019 йил 1 август
35.	Ёзги, С навли, экологик таснифи К4 (ДТ-Л-К4) бўлган ЕВРО дизел ёқилғиси	2710194210	2019 йил 1 август
36.	Ёзги, С навли, экологик таснифи К5 (ДТ-Л-К5) бўлган ЕВРО дизел ёқилғиси	2710194210	2019 йил 1 август
37.	3-0,035 минус 35 (ДТ-3-К3) маркали дизел ёқилғиси	2710194220 2710192900	2019 йил 1 август
38.	Қишки, ДТ-3-К4 минус 35 маркали дизел ёқилғиси	2710194220 2710192900	2019 йил 1 август
39.	Қишки, ДТ-3-К5 минус 35 маркали дизел ёқилғиси	2710192900, 2710194220	2019 йил 1 август
40.	Икки ёки ундан ортиқ компонентлар аралашмасидан таркиб топган, даволаш ёки профилактика мақсадларида қўлланиладиган, лекин дозаси белгиланган дори шакллари кўринишида қадоқланмаган, шунингдек, чакана савдо учун шаклларга ёхуд идишларга қадоқланмаган дори воситалари (3002, 3005 ёки 3006 товар позицияларидаги товарлардан ташқари)	3003	2020 йил 1 июль
41.	Аралаш ёки аралаштирилмаган маҳсулотлардан таркиб топган, даволаш ёки профилактика мақсадларида қўлланиладиган, дозаси белгиланган дори шакллари кўринишида қадоқланган, шунингдек, чакана савдо учун шаклларга ёхуд идишларга қадоқланган дори воситалари (шу жумладан, трансдермал тизимлар шаклидаги дори воситалари) (3002, 3005 ёки 3006 товар позицияларидаги товарлардан ташқари)	3004	2020 йил 1 июль

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди 2017 йил	Мажбурий тартибда маркировкалашни бошлаш санаси
42.	Озуқани мутаносиблаштириш учун қўшиладиган витаминлар ва маъданли моддалар аралашмалари ҳамда бошқа озуқавий қўшимчалар	2106 90 980 3 2106 90 980 9	2020 йил 1 июль
43.	Ҳайвонлар (ўсимликлар)дан олинган, аралаш ёки аралаштирилмаган, кимёвий ишлов берилган ёки ишлов берилмаган ўғитлар	3101000000	2020 йил 1 июль
44.	Маъданли ёки кимёвий, азотли ўғитлар	3102	2019 йил 1 ноябрь
45.	Маъданли ёки кимёвий, фосфорли ўғитлар	3103	2019 йил 1 ноябрь
46.	Маъданли ёки кимёвий, калийли ўғитлар	3104	2019 йил 1 ноябрь
47.	Икки ёки уч озуқавий унсурлар: азот, фосфор ва калийдан таркиб топган маъданли ёки кимёвий ўғитлар; бошқа ўғитлар; ушбу гуруҳ таркибига кирган, брутто-оғирлиги 10 кгдан ошмайдиган, таблетка ёхуд шунга ўхшаш шакллар ёки қадоқлардаги товарлар	3105	2019 йил 1 ноябрь
48.	Атир ва ифор таратувчи сувлар	3303 00	2019 йил 1 ноябрь
49.	Косметика воситалари ёки макияж ва терини парваришлаш учун ишлатиладиган воситалар (дориворларидан ташқари), шу жумладан, офтобдан қораймаслик ёки қорайиш учун воситалар, маникюр ёки педикюр учун ишлатиладиган воситалар	3304	2019 йил 1 ноябрь
50.	Соч учун мўлжалланган воситалар	3305	2019 йил 1 ноябрь
51.	Чакана савдо учун якка тартибда қадоқланган, оғиз бўшлиғи ва тишлар гигиенасини сақлаш воситалари, шу жумладан, тиш протезлари учун ишлатиладиган кукун ва пасталар; тиш оралиқларини тозалаш учун иплар (тиш шойиси)	3306	2019 йил 1 ноябрь
52.	Соқол олишдан олдин, олиш пайтида ёки олингандан кейин ишлатиладиган воситалар, ифор қўшилган ва қўшилмаган, дезинфекциялаш хусусиятига эга ёки эга бўлмаган, хонада ишлатиш учун мўлжалланган дезодорантлар	3307 10 — 3307 49	2019 йил 1 ноябрь
53.	Совун; чорқирра шаклидаги, бўлакланган ёки шакл берилган буюмлар кўринишидаги, таркибида совун бўлган ёки бўлмаган, совун сифатида сиртга ишлатиладиган фаол органик моддалар ва воситалар; чакана савдо учун қадоқланган, таркибида совун бўлган ёки бўлмаган, суюқлик ёки крем кўринишидаги терини ювиш учун сиртга ишлатиладиган фаол органик моддалар ва воситалар, усти совун ёки ювиш воситалари билан қопланган ёки уларга бўктирилган қоғоз, пахта, кигиз ёки фетр, ногўқима матолар	3401	2019 йил 1 ноябрь
54.	Чакана савдо учун қадоқланган ёки қадоқланмаган, сиртга ишлатиладиган фаол органик моддалар; чакана савдо учун қадоқланган, сиртга ишлатиладиган фаол воситалар, ювиш ва тозалаш воситалари	3402 11 — 3402 20	2019 йил 1 ноябрь

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **926** Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 26 июндаги ПҚ–3802-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тушумларининг қўшимча манбаларини аниқлашга қаратилган солиқ назоратини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 27 ноябрь,  
965-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 27 ноябрдаги 965-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом камерал назорат натижаси бўйича солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун давлат солиқ хизмати органлари (кейинги ўринларда солиқ органлари деб аталади) томонидан жойига борган ҳолда мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишлар ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ мажбуриятларига эга бўлган барча солиқ тўловчиларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш** — солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун камерал назорат натижаси бўйича жойига борган ҳолда солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган ўрганиш;

**мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш иштирокчилари** — солиқ органларининг мансабдор шахслари ҳамда солиқ тўловчи, шунингдек, солиқ тўловчининг вакиллари.

4. Солиқ тўловчидан мавзуга оид ва экспресс-ўрганишга тааллуқли бўлмаган ҳужжатларни талаб қилишга ёхуд солиқ органи мансабдор шахслари томонидан молия-хўжалик фаолиятига бошқача тарзда аралашилганга йўл қўйилмайди.

### **2-боб. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни тайинлаш тартиби**

5. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни тайинлашга камерал назорат натижаларига кўра солиқ органининг талабномасига биноан солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини тасдиқлаш мақсадида уни ўрганиш зарурати асос бўлади.

6. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни амалга ошириш мезонлари қуйидагилар ҳисобланади:

солиқлар ва божхона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлиги;  
устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмаларининг соф фойда ва дивидендлар ҳисобланиши тўғрисидаги, шунингдек, давлат унитар корхоналари томонидан уларнинг соф фойдасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига 30 фоиз миқдорда ажратмани аниқлаш тўғрисидаги ҳисоботида солиқ органларида хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига доир бошқа маълумотлар ўртасида тафовутлар мавжудлиги;

камерал назорат натижасида солиқ тўловчининг банк ҳисоб рақамларида пул маблағларининг ҳаракатлари таҳлилида харид қилинадиган ва реализация қилинадиган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажми, номенклатураси (ассортименти) ва суммаси ўртасида аниқланган номутаносибликлар;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот тақдим этиш мажбурияти юкланган органлар ва ташкилотлардан солиқ органларига келиб тушган ахборотлар таҳлили бўйича аниқланган тафовут ва фарқлар;

валюта қонунчилиги соҳасида аниқланган қонунбузарликлар, шу жумладан, ташқи савдо шартномалари бўйича импорт ва экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархининг оширилиши ва пасайтирилиши.

7. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошириш мақсадида, ўрганилаётган солиқ тўловчи, ўрганишни амалга ошириш учун асос бўлган солиқ ҳисоботида тузатишлар киритиш тўғрисидаги талабнома, ўрганиш муддати, шунингдек, солиқ органининг ўрганишни амалга оширадиган мансабдор шахслари таркиби кўрсатилган буйруғи чиқарилади.

### **3-боб. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларига мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш масалалари юзасидан тушунтиришлар бериш;

мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш материаллари билан танишиш ва натижаси бўйича маълумотлар олиш;

ўрганишни амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳамда мавзуга оид ва экспресс-ўрганишга алоқаси бўлмаган ҳужжатлари ва талабларини бажармаслик;

ўрганишни амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш амалга оширилишида қатнашиш учун ўзларининг вакилларини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Солиқ тўловчилар қуйидагиларга мажбур:

мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошираётган солиқ органларининг мансабдор шахсларига ўрганиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишлари;

мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларини ишлаб чиқариш ҳудудларига, омбор, савдо биноларига ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан, даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиққа тортиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларга кўздан кечиришни амалга ошириш учун киритишлари;

солиқ органлари мансабдор шахсларининг мавзуга оид ва экспресс-ўрганишга тегишли бўлган қонуний талабларини бажариш, шунингдек, мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни амалга ошириш давомида уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслик.

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олишлари мумкин.

10. Солиқ органларининг мансабдор шахслари қўйидаги ҳуқуқларга эга: камерал назорат натижаларининг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида солиқ тўловчининг фақат мавзуга оид ва экспресс-ўрганишга тегишли бўлган бухгалтерия, молия, статистика, банк маълумотлари ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш;

солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқариш ҳудудларини, омбор, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шунингдек, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиққа тортиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган жойларни кўздан кечириш;

фақат мавзуга оид ва экспресс-ўрганишга тегишли бўлган ҳужжатларнинг нусхаларини олиш;

кўздан кечириш давомида товар-моддий захиралар ва асосий воситалар камомади ёки ортиқча товар-моддий захиралар ва асосий воситалар, шунингдек, уларнинг яроқсизланганлик ҳолати аниқланганда, қонунчиликда кўзда тутилган тартибга мувофиқ инвентаризацияни (тўлиқ ёки танлов асосида) ташкиллаштириш, ҳужжатларни талаб қилиш ва солиқ тўловчидан тушунтиришлар олиш;

солиқ тўловчи томонидан товар-моддий бойликлар воситачига ёки масъул сақлашга берилган ҳолларда комитент/комиссионер ва масъул сақловчиларнинг омборларини талабнома расмийлаштирмаган ҳолда солиқ органининг тегишли буйруғи асосида кўздан кечириш.

Солиқ органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Солиқ органларининг мансабдор шахслари қўйидагиларга мажбур: мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш бошланишидан олдин солиқ тўловчини ўрганиш мақсади билан таништириш ва ўзларининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатишлари;

солиқ тўловчига солиқ органининг мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш тайинланганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма нусхасини тилхат олиш орқали топширишлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ сирига риоя этиш.

Солиқ органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **4-боб. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошириш тартиби**

12. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатлар солиқ тўловчи ёки унинг вакилига топширилган пайт ўрганиш бошланган пайт деб ҳисобланади.

13. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш фақат камерал назорат ўтказилган солиқ даври учун амалга оширилади. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошириш муддати беш иш кунидан ошмаслиги керак.

14. Зарур ҳолларда (фойдали қазилмалар ҳажмини аниқлашда, назорат ўлчови ва ҳоказо) мавзуга оид ва экспресс-ўрганишда қатнашиш учун ўрганиш натижасидан манфаатдор бўлмаган экспертлар, мутахассислар ҳамда таржимонлар жалб этилиши мумкин.

15. Солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқариш ҳудудлари, омбор, савдо бинолари ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан, даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиққа тортиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечириш солиқ органининг талабномасига жавобан солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда акс эттирилган ишчи ўринларини, товар-моддий бойликларни, асосий воситаларни ёки бошқа мол-мулкнинг мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида кўздан кечирилади. Зарур ҳолларда кўздан кечириш ўтказилишида фото ва видеотасвирга олиш орқали амалга оширилиши мумкин.

16. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан солиқ тўловчига нисбатан кўзғатилган жиноят иши муносабати билан зарур ҳужжатлар олиб қўйилган ҳолларда, солиқ органининг мансабдор шахси томонидан мазкур ҳолат ёритилган ҳолда далолатнома расмийлаштирилади. Мазкур ҳолатда мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш жиноят иши доирасида тафтиш ўтказилиши сабабли кечиктирилиши мумкин.

17. Солиқ тўловчи томонидан мавзуга оид ва экспресс-ўрганишга тааллуқли ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, солиқ органининг мансабдор шахси томонидан бу ҳақда далолатнома тузилади. Далолатнома солиқ тўловчи томонидан аввал тақдим этилган маълумотларнинг ишончсиз деб тан олинишига асос бўлади.

18. Солиқ органининг мансабдор шахсларини солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқариш ҳудудларига, омбор, савдо биноларига ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан, даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиққа тортиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларга кўздан кечиришни ўтказиш учун киритмаслик, ўрганилиши зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаслик, шунингдек, солиқ хизмати органи ходимларининг мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошириш давомида ўз хизмат вазафаларини бажаришга тўсқинлик қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.



19. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш натижасига бўйича солиқ органининг мансабдор шахслари томонидан қонунбузилишлар аниқланганда, уларни солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этган ҳолда солиқ тўловчининг тушунтиришлари ҳисобга олинган, батафсил ёритилган маълумот тузилади.

20. Агар мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш тугалланганда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолатлари мавжудлиги аниқланмаган бўлса, бу ҳақда маълумотномада қайд этилади.

21. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш маълумотига қўйидагилар илова қилиниши лозим:

ўрганишни тайинлаш учун асос ҳисобланган мезонлар кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхалари;

ўрганишни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатлар нусхалари, шунингдек, ўрганиш доирасида амалга оширилган ҳаракатларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

22. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш натижалари бўйича маълумотнома солиқ тўловчига топширилган кун ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилган кун ўрганиш тугалланган кун ҳисобланади.

23. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш давомида солиқ тўловчилар ўрганиш амалга оширилиши яқунлангунга қадар мустақил равишда солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этишга ҳақли, шу жумладан, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этишлари, шунингдек, қўшимча ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммасини тўлашлари мумкин. Мазкур ҳаракатлар ўрганиш натижалари бўйича маълумотномада акс эттирилади.

24. Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишлар натижалари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш мақсадида камерал назорат материалларига илова қилинади ҳамда солиқ органларининг «таҳликали-таҳлил» тизимида акс эттирилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоида**

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан  
мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни  
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мавзуга оид ва  
экспресс-ўрганишларни амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Давлат солиқ хизмати органлари	Давлат солиқ хизмати органларининг камерал назорат натижалари бўйича талабномалари юзасидан ишончилиги ўрганилиши лозим бўлган ахборотни тақдим этган солиқ тўловчилар рўйхатини шакллантириш.	Доимий
2-босқич	Давлат солиқ хизмати органлари	Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошириш учун буйруқ чиқариш.	3 (уч) иш куни ичида
3-босқич	Давлат солиқ хизмати органлари	Мавзуга оид ва экспресс-ўрганишни амалга ошириш, ўрганиш натижалари бўйича маълумотномани расмийлаштириш.	5 (беш) иш куни ичида
4-босқич	Давлат солиқ хизмати органлари	Солиқ қонунчилигига мувофиқ қўшимча солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш мақсадида камерал назорат материалларига мавзуга оид ва экспресс-ўрганиш натижаларини илова қилиш ва уларни давлат солиқ хизмати органларининг «таҳлика-таҳлил» тизимида акс эттириш.	3 (уч) иш куни ичида

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**927** Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралиқ, босқичли ва якуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3090*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 868-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралиқ, босқичли ва якуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 сентябрь,  
11-мх-сон

**Ш. ШЕРМАТОВ**

**Касб-хунар таълими  
маркази директори**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 сентябрь,  
11/ққ-сон

**М. ХОЛМУХАМЕДОВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар  
таълими марказининг 2018 йил 20 сентябр-  
даги 11-мх, 11/ққ-сон қарорига  
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари  
ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-  
ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралик, босқичли ва  
яқуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 868-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида (бундан буён матнда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари деб юритилади) жорий, оралик, босқичли ва яқуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўқувчиларнинг касбий таълим беришга оид билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва назорат қилиш мақсадида қўлланилади.

2. Ўқувчилар тегишли фан бўйича ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан биринчи машғулотда мазкур Низом талаблари билан таништирилиши лозим.

3. Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўқувчиларнинг касбий таълим беришга оид билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш жорий, оралик, босқичли ва яқуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

4. Ўқувчилар билимини баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

**2-боб. Баҳолаш мезонлари ва назорат турлари**

**1-§. Ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари**

5. Ўқувчилар билими қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:  
ўқувчи мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, касбнинг

(мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда касб (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 5 (аъло) баҳо;

ўқувчи мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, касбнинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда касб (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 4 (яхши) баҳо;

ўқувчи олган билимини амалда қўллай олади, касбнинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда касб (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 3 (қониқарли) баҳо;

ўқувчи касб дастурини ўзлаштирмаган, касбнинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда касб (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда — 2 (қониқарсиз) баҳо.

6. Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни ўқувчининг ўзлаштиришини холис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши лозим.

## **2-§. Жорий назоратни баҳолаш**

7. Жорий назорат ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини намойиш этиш, лойиҳалаш, гуруҳларда ишлаш, савол-жавоб, муҳокама, ёзма иш кўринишларида амалга оширилади.

8. Жорий назоратда қуйидагилар баҳоланади:

ўқувчининг ишлаб чиқариш таълими устаси ёрдамида ёки мустақил равишда бажарган иши;

касбга оид кўникмаларни намойиш этиши;

касб-хунар талабларини мустақил бажара олиши;

лоийҳалашда касб-хунар талабида белгиланган қоидаларни тўғри ва аниқ бажариши;

гуруҳда ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

касб-хунар талабини бажаришда ўқув-ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан берилган саволларга жавоб бериши;

касб-хунар талабини бажаришга оид амалий кўникмаларни оғзаки ва ёзма баён эта олиши.

9. Ҳар бир мавзулар бўйича ўқув машғулоти ўтказиладиган охирги куни тегишли фан бўйича ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси жорий назоратни яқунлайди ва ушбу назорат тури бўйича ўқувчиларнинг билими баҳоланади.

## **3-§. Оралиқ назоратни баҳолаш**

10. Оралиқ назорат чорак ва ярим йиллик якуни бўйича ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун ўқув дастурининг маълум бир мантиқий яқунланган қисми тугаганидан сўнг эгаллаган касб-хунар бўйича амалий кўникмаларни намойиш қилиш ёки ёзма иш кўринишида амалга оширилади.

11. Оралиқ назоратни ўтказиш муддатлари, шунингдек, ўтказиш шакли тегишли фан бўйича ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан белгиланади ва таълим муассасасининг педагогик кенгаши томонидан тасдиқланади.

12. Оралиқ назорат ўтказиш муддатлари ўқувчиларга ўқув йили бошида тегишли фан бўйича ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан эълон қилинади.

13. Оралиқ назорат машғулотлар давомида ўтказилади ва уларни ўтказиш учун алоҳида дарс соатлари белгиланмайди.

14. Оралиқ назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича ўқувчининг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан амалга оширилади.

15. Ўқувчини оралиқ назорат тури бўйича баҳолашда унинг ўқув машғулотлари давомида олган баҳолари инобатга олинади.

#### **4-§. Босқичли назоратни баҳолаш**

16. Босқичли назорат ўқув йили якуни бўйича амалий имтиҳон, ёзма иш, лойиҳалар ва ишланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда тест синовлари кўринишида амалга оширилиб, унга асосан ўқувчининг якуний баҳоси ва рейтинги аниқланади.

17. Босқичли назорат ўтказиш муддатлари, шунингдек, ўтказиш шакли тегишли фан бўйича ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан белгиланади ва таълим муассасасининг педагогик кенгаши томонидан тасдиқланади.

18. Босқичли назорат материаллари мазмуни, ўтказиш муддатлари ўқувчиларга тегишли фан бўйича ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан ўқув йили бошидан маълум қилинади.

Ўқув йили давомида босқичли назоратнинг мазмуни ўзгартирилиши ёки янгиланиши мумкин эмас.

19. Босқичли назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича ўқувчининг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан амалга оширилади.

#### **5-§. Якуний назоратни баҳолаш**

20. Якуний назорат ўқувчи танлаган мутахассислик бўйича касбий таълим бериш жараёни тугаганидан сўнг эгаллаган касб-хунар бўйича компетентлигини амалий намойиш этиш орқали якуний давлат аттестацияси шаклида ўтказилади.

21. Якуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича ўқувчининг билимини баҳолашда тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устасининг иштирок этиши тақиқланади.

22. Якуний назорат умумий ўрта таълим мактаби якуний давлат аттестациясидан камида бир ҳафта аввал ўтказилади.

23. Якуний назорат материаллари мазмуни, ўтказиш муддатлари ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан ўқув йили бошидан маълум қилинади.

Ўқув йили давомида якуний назоратнинг мазмуни ўзгартирилиши ёки янгиланиши мумкин эмас.

24. Якуний назорат тури тегишли таълим муассасасининг директори билан келишилган ҳолда туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тасдиқланадиган комиссия томонидан амалга оширилади.

25. Комиссия таркиби тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб бормаган ўқитувчилар ёки ишлаб чиқариш таълими усталари, ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари орасидан шакллантирилади.

26. Якуний назорат турини ўтказишда ўқувчиларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

27. Комиссия якуний назорат турини мазкур Низомда белгиланган тартибда ташкил этишга, шунингдек, якуний назоратнинг адолатли, ошқоралик тамойиллари асосида ўтказилиши ҳамда натижаларнинг ҳолислиги учун жавобгар бўлади.

28. Ўқувчи узрли сабабларга кўра якуний назорат турига кирмаган тақдирда, мазкур ўқувчига тегишли назорат турини қайта топширишга комиссия томонидан рухсат берилади.

Якуний назорат турига узрли сабабларсиз кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек, мазкур назорат тури бўйича «2» (қоникарсиз) баҳо билан баҳоланган ўқувчи якуний назоратдан ўтмаган ҳисобланади.

29. Якуний назоратдан ўта олмаган ўқувчилар учун ҳар йили август ойида қайта якуний назорат ташкил этилади.

### **3-боб. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш**

30. Ўқувчилар билимини назорат қилиш тегишли фан бўйича ўқитувчи ёки ўқув-ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришини ҳисобга олиш журналида (бундан буён матнда Журнал деб юритилади) қайд этиб борилади.

Ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси қўшимча равишда ўқувчилар билимини баҳолашни электрон тизимда ҳам юритиши мумкин.

Ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси Журналда ўқувчига қўйилган баҳоларни шу куннинг ўзида қайд этиб боради. Агар ўқувчининг билимини баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, бунда ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси ўқувчиларнинг натижаларини 3 кундан кўп бўлмаган муддатда Журналга қайд этиши лозим.

31. Назорат тури бўйича ўқувчининг «3» (қоникарли), «4» (яхши) ёки «5» (аъло) баҳо билан баҳоланганда назорат турини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

Ўқувчи назорат тури ўтказилган вақтда узрли сабабларсиз қатнашмаган ҳолларда «—» белгиси ёзиб қўйилади.

32. Журналнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ юритилиши, шунингдек, ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга асоссиз ўзгартиришлар киритилмаслиги учун таълим муассасаси директори ва тегишли фан бўйича ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устаси масъул ҳисобланади.

33. Якуний назорат иши баҳоларидан норози бўлган ўқувчи, унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар таълим муассасаси директори билан келишилган ҳолда тегишли туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тузилган Апелляция комиссиясига апелляция бериши мумкин.

34. Апелляция комиссияси таркибига ўқувчини баҳолашда иштирок этмаган тегишли туман (шаҳар) халқ таълими бўлими масъул ходими, ишлаб чиқариш таълими устаси ҳамда ўқитувчилар орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

35. Баҳолаш натижасидан норози бўлган ўқувчилар ёки унинг ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчилари баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция комиссиясига ёзма мурожаат этиши мумкин.

36. Апелляция комиссияси 24 соат ичида берилган шикоятларни кўриб чиқади. Бунда апелляция комиссияси ўқувчининг якуний назорат турида топширган ишига қўйилган баҳонинг тўғрилигини ўрганади ва унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади.

Қабул қилинган қарорда ўқувчининг якуний назоратдан ўтган ёки ўтмаганлиги кўрсатилади ҳамда ушбу қарор 24 соат ичида ўқувчига етказилиши лозим.

37. Апелляцияни кўриб чиқишда ўқувчи ёки унинг ота-онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчилари иштирок этишлари мумкин.

#### **4-боб. Якуний қоидалар**

38. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

39. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Таълим сифатини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғи*

**У. ТАШКЕНБАЕВ**

*2018 йил 5 ноябрь*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**928** Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3091*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 июлдаги 547-сон «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати қарор қилади:

1. Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 ноябрь,  
72-сон

**П. БОБОЖОНОВ**

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 ноябрь,  
01-02/12-65-сон

**М. АЗИМОВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

**Молия вазирлиги****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 ноябрь,  
139-сон

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси****И. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 ноябрь,  
11-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона  
қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат  
хавфсизлик хизматининг 2018 йил  
6 ноябрдаги 72, 01-02/12-65, 139,  
11-сон қарорига  
ИЛОВА

**Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган  
(қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларининг  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва  
транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни  
ундириш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 июлдаги 547-сон «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали энгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни ундириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситалари деганда, хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатда турган, йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган, ҳайдовчининг ўриндигидан ташқари ўриндиқлар сони саккизтадан ошмайдиган, тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган, олд, ён ва орқа ойналаридан бири ёки бир нечасининг (томидаги люк ойнаси бундан мустасно) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) автотранспорт воситалари тушунилади.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик кирган ёки транзит ҳаракатланишида бўлган чет эл расмий делегацияларининг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган 15 АҚШ доллари миқдорига йиғим ундирилади.

4. Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан йиғимларни ундириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

## **2-боб. Мажбурий йиғимларни ундириш**

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг чегара божхона пости ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириш ва транзит ҳаракатланиш учун чегара божхона постидан ўтаётган хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситалари ҳайдовчилари мажбурий йиғимларни тўлаши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилади.

6. Тўловни амалга оширувчи хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари мажбурий йиғимларни чегара божхона постидаги банк кассалари орқали амалга оширадилар.

7. Чегара божхона постларидаги банк кассалари:

хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан мажбурий йиғимларни қабул қилади;

мажбурий йиғим қабул қилинганлиги ҳақида хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини кўрсатган ҳолда квитанция расмийлаштиради ва унинг бир нусхасини ҳайдовчига беради.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-патруль хизмати:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кирган ва транзит ҳаракатланаётган хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан мажбурий йиғимлар ундирилганлигини назорат тартибида текшириш учун квитанция нусхасини кўради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кирган ва транзит ҳаракатланаётган хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан маж-

бурий йиғимлар тўланмаганлиги аниқланганда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштиради.

9. Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан ундирилган йиғим маблағлари тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун ундирилган мажбурий йиғим маблағларининг ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга мақсадли йўналтирилишини таъминлайди.

### **3-боб. Яқуний қоидалар**

11. Чегара божхона постларидаги банк кассалари томонидан берилган мажбурий йиғимлар қабул қилинганлиги ҳақидаги квитанция хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши имконини беради.

12. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**929** Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) 2-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 692-сон «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2010 йил 18 августдаги 96-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) (рўйхат рақами 2141, 2010 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 37-сон, 324-модда) 2-иловаси иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 26 ноябрь,  
125-н-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғининг  
2018 йил 26 ноябрдаги 125-н-сон буйруғига  
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикасининг  
«Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиация-  
сининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг  
иш вақти ва дам олиш вақтини нормалашти-  
риш» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-94)  
2-ИЛОВА

### Парвоз вақтининг давомийлиги МЕЪЁРЛАРИ

Ҳаво кемасининг тури, ходимлари	Парвоз вақти (соатда)		
	учиш куни	ой	йил
<b>1. Транспорт авиацияси учун</b>			
а) Экипажнинг учиш ходимлари:			
Б-787, Б-767, Б-757, А-310, А-300/600, А-320, RJ-85	Меъёрлаштирилмаган	90	900
Ил-76	Меъёрлаштирилмаган	75	750
Ил-114	Меъёрлаштирилмаган	70	700
б) экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари:			
Борт кузатувчи	Меъёрлаштирилмаган	100	1000
Ил-76 ХКга борт оператори	Меъёрлаштирилмаган	80	800
<b>2. Транспорт ва махсус авиация ишларида (АХИдан ташқари):</b>			
Вертолётлар	8	70	700
Ан-2 ва ЎЕУА	8	80	800
<b>3. АХИда ўта хавфли ўғитлар:</b>			
Ан-2 ва ЎЕУА	5	80	800
<b>4. Минерал ўғитлар уйғунлигида ўртача хавфли пестицидлар билан ишлашда ва минерал ўғитлар ва кам хавфли пестицидлар, биоқўшимчалар, аэросев уруғлиги билан ишлашда:</b>			
Ан-2 ва ЎЕУА	7	80	800

Мазкур ўзгартириш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

2018 йил 26 ноябрь

*Ш. КУДБИЕВ*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

2018 йил 26 ноябрь

*А. ШАДМАНОВ*

*Ўзбекистон авиаходимлари  
касаба уюшмаси республика  
кенгаши раиси*

*2018 йил 26 ноябрь*

*Ш. МИНГАЛИЕВ*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
миллий авиакомпаниясининг  
Бош директори в. б.*

*2018 йил 26 ноябрь*

*Б. ХАКИМОВ*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**930** **Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш  
ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3092*

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонунига асо-  
сан, **буюраман:**

1. Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баён-  
нома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза-  
дан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг дав-  
лат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан кучга киради.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазирнинг  
биринчи ўринбосари**

**Н. ЖЎРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 29 ноябрь,  
533-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги  
533-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва  
юритиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**профессионал медиатор** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан (бундан буён матнда махсус ўқув курси деб юритилади) ўтган, шунингдек, Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс ҳисобланади;

**Профессионал медиаторлар реестри** (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий адлия органлари деб юритилади) томонидан юритиладиган профессионал медиаторлар ҳақидаги маълумотлар акс этирилган, доимий янгилаб туриладиган ягона маълумотлар базаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳудудий адлия органлари томонидан Реестр юритилишини мувофиқлаштириб боради.

3. Профессионал медиаторлар тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритилиши профессионал медиатор мақомининг расмий тасдиғи ҳисобланади ҳамда профессионал медиатор тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш ва бу ҳақда тегишли билдиришнома бериш орқали амалга оширилади.



Реестрни юритишда профессионал медиаторнинг фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди.

4. Профессионал медиаторлар тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш учун тўлов ундирилмайди.

5. Реестр ҳар чоракда камида бир марта янгиланиши керак.

### **2-боб. Реестрни шакллантириш**

6. Шахс махсус ўқув курсидан ўтгандан сўнг ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш ҳақидаги ариза билан доимий яшаш жойидаги ҳудудий адлия органига мурожаат қилади. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

паспорт нусхаси;

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси.

7. Ҳужжатлар тегишли ҳудудий адлия органига бевосита, почта алоқа бўлими орқали ёки электрон шаклда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома олинган ҳолда тақдим этилади.

8. Ариза берувчи тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

9. Ҳудудий адлия органи 15 иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатларга асосан ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси «Медиация тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган ҳамда ариза берувчи кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, у Реестрга киритилади. Реестрга киритиш ҳудудий адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ҳудудий адлия органи ариза берувчига Реестрга киритилганлиги тўғрисида билдиришнома юборади.

10. Ҳудудий адлия органи ҳужжатлар тегишли равишда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда ёки ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёхуд ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси «Медиация тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганда Реестрга киритишни рад этади.

Ҳудудий адлия органи ариза берувчига Реестрга киритишни рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда билдиришнома юборади.

### **3-боб. Реестрни юритиш**

11. Реестр мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

12. Реестрда профессионал медиаторлар тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

профессионал медиаторга берилган тартиб рақам;

Реестрга киритилган сана;

профессионал медиаторнинг фамилияси, исми, отасининг исми;  
профессионал медиаторнинг жойлашган ери ва алоқа боғлашга доир маълумотлари (телефон рақами, электрон манзили);  
профессионал медиатор ихтисослашган медиация соҳаси;  
профессионал медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишга қодир бўлган тил ҳақидаги маълумотлар;  
махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат реквизитлари;  
Реестрдан чиқарилган сана;  
қўшимча маълумотлар.

13. Реестрдаги маълумотлар ўзгарган ҳолларда профессионал медиатор уч иш кунида тегишли ҳудудий адлия органига хабарнома юбориши керак.

Ҳудудий адлия органи мазкур хабарнома асосида икки иш кунида Реестрга тегишли ўзгартиришларни киритади.

14. Профессионал медиатор қуйидаги ҳолларда Реестрдан чиқарилиши мумкин:

Реестрдан чиқариш тўғрисида ариза берганда;

вафот этганда;

доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетганда;

бир йилдан ортиқ муддат мобайнида у тўғрисида маълумот олиш имкони бўлмаганда, ҳудудий адлия органининг тегишли таркибий тузилмаси хулосасига кўра;

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни 12-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлардан бири юзага келганда.

Профессионал медиаторни Реестрдан чиқариш ҳудудий адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

15. Ҳудудий адлия органлари Реестрдаги маълумотларни даврий равишда, аммо ҳар чоракда камида бир марта янгилайди ҳамда умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади.

Реестр Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

16. Адлия бошқармалари маълумотларнинг Реестрга тўғри, ўз вақтида киритилиши ва янгиланиб борилишига масъул ҳисобланади.

17. Профессионал медиатор Реестрга киритиш рад этилганлиги, ундан чиқарилганлигидан норози бўлса, белгиланган тартибда судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Профессионал медиаторлар реестрини  
шакллантириш ва юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

---

(худудий адлия органининг номи)

---

(ариза берувчининг Ф.И.О. яшаш жойи)

**Профессионал медиаторлар реестрига киритиш ҳақида  
АРИЗА**

---

(фамилияси, исми, отасининг исми)

профессионал медиаторлар реестрига киритишни сўрайман.

Ихтисослашган медиация соҳаси: \_\_\_\_\_.

Медиация тартиб-таомилини амалга оширишга қодир бўлган тил: \_\_\_\_\_.

Боғланиш телефони: \_\_\_\_\_

---

(тўлдирилган санаси ва вақти)

---

(аризачининг имзоси)

---

(қабул қилинган санаси ва вақти)

---

(қабул қилган масъул ходимнинг имзоси)

Профессионал медиаторлар  
реестрини шакллантириш ва юритиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Сўровнома

1. Фамилияси \_\_\_\_\_

Исми \_\_\_\_\_

Отасининг исми \_\_\_\_\_

2. Туғилган санаси: \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_.

расм

3. Паспорт серияси \_\_\_\_\_ рақами \_\_\_\_\_

Берилган санаси 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_.

Ким томонидан берилган \_\_\_\_\_

4. Маълумоти: \_\_\_\_\_

(Ўқув юрти номи)

Тамомлаган йили \_\_\_\_\_ Диплом бўйича мутахассислиги \_\_\_\_\_

Илмий даражаси, илмий унвони (агар мавжуд бўлса) \_\_\_\_\_

5. Меҳнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар:

Т/р	Ишга кириш санаси	Ишдан кетиш санаси	Иш жойи ва лавозими
1.			
2.			
...			

6. Судланганлик ёки жиноий таъқиб ҳолати \_\_\_\_\_

7. Ўзига нисбатан муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида суднинг қарори мавжудлиги \_\_\_\_\_

8. Уй манзили: \_\_\_\_\_

9. Электрон почта манзили \_\_\_\_\_

10. Боғланиш телефони (код кўрсатилган ҳолда) \_\_\_\_\_

11. Сўровномадаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлайман.

Сўровнома тўлдирилган сана: 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_.

Шахсий имзо \_\_\_\_\_

Профессионал медиаторлар реестрини  
шакллантириш ва юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомага  
3-ИЛОВА

Профессионал медиаторлар  
РЕЕСТРИ

Профессионал медиаторга берилган тартиб рақам	Реестрга киритилган санаси	Профессионал медиаторнинг Ф.И.О.	Профессионал медиаторнинг жойлашган ери ва алоқа боғланган доир маълумотлари (телефон рақами, электрон манзили)	Профессионал медиатор ихтисослашган медиация соҳаси	Профессионал медиатор тартиб-таомиллини амалга оширишга қолар бўлган тил ҳақидаги маълумотлар	Махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжат реқвизитлари	Реестрдан чиқарилган санаси	Қўшимча маълумотлар
1	2	2	3	4	5	6	7	8
000								
000								
000								

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**931 Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачи-  
си фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва  
қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-  
ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя  
қилиш тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги 285-сонли қарори билан тасдиқланган  
«Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қимматли қоғозлар билан битимлар  
тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга, шунинг-  
дек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 март-  
даги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Дав-  
лат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқ-  
лаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **бую-  
раман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-  
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази бош директорининг 2002 йил 7 февралдаги 2002-01-сонли буйруғи  
(рўйхат рақами 1108, 2002 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси вазир-  
ликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахбор-  
отномаси, 2002 й., 5-сон) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори-  
да инвестиция воситачиси фаолияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ  
ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач  
кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 30 октябрь,  
2018-12-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 де-  
кабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-  
риш ва ривожлантириш маркази бош  
директорининг 2018 йил 30 октябрдаги  
2018-12-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси  
фаолияти тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошисидан «брокер деб ҳисобланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 2-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«номинал сақловчи сифатида ўз миқдорларининг қимматли қоғозлари бўйича даромадларни тўлиқ ва ўз вақтида, шу билан бирга қимматли қоғозлар муомаладан чиқарилганда номинал қийматини олишда ёрдам кўрсатиши керак.»

3. 31-банднинг «ж» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) қимматли қоғозларга доир ўз номидан ва миқдор ҳисобидан амалга оширилган битимларнинг натижалари бўйича ҳисоботни шартномада келишилган муддатлар ва шаклда тақдим этади.»

4. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Брокерлик хизматларини амалга ошириш жараёнида, инвестиция воситачиси миқдор билан тузилган шартномага асосан уюшган савдоларда қимматли қоғозларни сотиб олиши ва сотиши учун ўз миқдорларига пул маблағлари ва қимматли қоғозлар кўринишидаги қарзни бериши мумкин.»

5. Қўйидаги мазмундаги 7<sup>3</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«7<sup>3</sup>. Инвестиция воситачиси миқдор-норезидент билан тузилган шартномага асосан, қимматли қоғозларни сотиб олиш (сотиш)да миқдор-норезидентнинг номидан ва ҳисобидан хорижий валюталарни сотиб олиш (сотиш) учун тижорат банкларига буюртмалар топширишга ҳақли.»

6. 12-банд қўйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж) депозитар тизимдаги ўз миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни долзарблаштириш, шунингдек, уч йил ва ундан ортиқ вақт мобайнида алоқага эга бўлмаган миқдорлар билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш чораларини кўришга мажбур.»

7. 14-банднинг «а» ва «б» кичик бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) қимматли қоғозларни сотиб олишга ва сотишга буюртмаларни савдолар тизимида ҳар куни эълон қилишга;

б) олдин эълон қилинган нархлар ва қимматли қоғозлар сонига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш таклифи билан мурожат қилган шахслар билан битим тузиш ва бундай операцияларни амалга оширишдан бош тортмасликка мажбурдир.»

8. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Диллер ўзининг веб-сайтида ва савдолар ташкилотчисининг веб-сайтида сотиб олинаётган ва (ёки) сотилаётган қимматли қоғозларнинг минимал ва максимал сонини эълон қилишга ҳақли.»

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**А. ИКРАМОВ**

*2018 йил 30 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**932** **Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3093*

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан **буюраман:**

1. Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Буйруқ ижроси устидан назорат Бош прокурорнинг соҳа бўйича ўринбосари зиммасига юклатилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош прокурор**

**О. МУРОДОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 31 октябрь,  
205-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 декабрда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг 2018 йил 31 октябрдаги  
205-сон буйрувига  
ИЛОВА

**Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини  
юретиш тартиби ҳақидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда назорат қилувчи органлар деб юритилади) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юретиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига (бундан буён матнда Ягона тизим деб юритилади) назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларига (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) юборилган буюртма, шунингдек, текширув тўғрисида маълумотлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган қонунбузишларни бартараф қилиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар киритилади.

2. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Ягона тизимда мажбурий тарзда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Ягона тизим тўлиқ ишга туширилгунга қадар текширув ўтказишни келишиш билан боғлиқ бўлган ёзишмалар қоғоз шаклида расмийлаштирилади.

Назорат қилувчи органлар ва ваколатли орган ўртасидаги давлат сирини билан боғлиқ бўлган текширувларни ўтказишга оид ахборот алмашинуви давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ҳамда бундай текширувлар ҳақидаги маълумотлар Ягона тизимга киритилмайди.

**2-боб. Ягона тизимда рўйхатдан ўтиш**

3. Назорат қилувчи органнинг масъул ходими Ягона тизимда [prokuratura.uz](http://prokuratura.uz) сайти орқали рўйхатдан ўтади.

4. Назорат қилувчи органларга Ягона тизимга кириш учун логин ва

пароль Бош прокуратура томонидан ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ берилади ва алоҳида муҳрланган конвертда юборилади.

5. Логин ва пароллар реестри Бош прокуратуранинг Солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси (бундан буён матнда Бош прокуратура бошқармаси деб юритилади) томонидан юритилади.

6. Назорат қилувчи органнинг масъул ходими Ягона тизимда рўйхатдан ўтганидан сўнг Бош прокуратура бошқармаси унинг маълумотларини тизим ичида тасдиқлайди.

Ягона тизимда рўйхатдан ўтказишни тасдиқлаш бир иш куни давомида амалга оширилади.

7. Назорат қилувчи органнинг масъул ходими Ягона тизимда бир мартаба рўйхатдан ўтказилади.

8. Назорат қилувчи органнинг масъул ходими ўзгарганда Ягона тизимдаги логин ва пароль назорат қилувчи орган томонидан ахборот хавфсизлиги талабларига оид ички қоидалар асосида янги ходимга ўтказилади.

Назорат қилувчи органнинг масъул ходими ўзгарганлиги ҳақида назорат қилувчи орган бир иш кунида Бош прокуратура бошқармасини хабардор қилади.

9. Ваколатли органнинг масъул ходимига логин ва пароль Бош прокуратура бошқармаси томонидан берилади ҳамда ходим белгиланган тартибда [prokuratura.uz](http://prokuratura.uz) сайтида рўйхатдан ўтади.

### **3-боб. Текширувларни келишиш учун буюртма киритиш ва уни кўриб чиқиш**

10. Текширув ўтказишни келишиш учун назорат қилувчи орган томонидан Ягона тизимга қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли маълумотлар киритилади.

11. Текширувларни ўтказишга оид буюртмалар ваколатли органнинг масъул ходими томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Буюртма уч иш куни ичида, фавқулодда ҳолатлар бўйича бир иш кунида кўриб чиқилади.

12. Ваколатли орган томонидан текширув ўтказишни келишиш ҳақида қарор қабул қилинганда ушбу органнинг масъул ходими томонидан Ягона тизимда махсус рақам (код) асосида «Рухсат берилсин» мақоми танланади.

13. Текширув ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда ваколатли органнинг масъул ходими томонидан унинг аниқ сабаби кўрсатилган ҳолда «Рад этилсин» мақоми танланади.

14. Рад этиш сабаблари бартараф этилганда, текширувларни ўтказиш учун буюртма янгидан расмийлаштирилади.

15. Ягона тизимда буюртма рўйхатдан ўтказилиб, текширув учун махсус рақам (код) олингандан кейин назорат қилувчи орган томонидан тadbиркорлик субъекти фаолиятида текширув ўтказиш ташкил этилади.

#### **4-боб. Ўтказилган текширувлар натижаларини Ягона тизимга киритиш**

16. Ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган далолатномада қайд этилган қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар текширув якунлангандан сўнг уч иш куни ичида, тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотлар (ёзма кўрсатма, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома, молиявий ва иқтисодий жарималарни қўллаш тўғрисида қарорлар, суд қарорлари ва бошқалар) мазкур чоралар қўлланилгандан сўнг уч иш кунидан кечиктирмасдан назорат қилувчи орган томонидан Ягона тизимга киритилиши шарт.

Бош прокуратура билан келишилган ҳолда ўтказиладиган текширувлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар назорат қилувчи органнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари билан келишилган текширувлар бўйича маълумотлар назорат қилувчи органнинг тегишинча ҳудудий бўлинмаси томонидан Ягона тизимга киритилади.

Тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари бекор қилинган ёки ўзгарган тақдирда, тегишли назорат қилувчи орган томонидан шу ҳақидаги маълумотлар Ягона тизимга киритилиши лозим.

17. Текширув натижасида аниқланган банк сирига оид маълумотлар Ягона тизимга киритилмайди.

#### **5-боб. Хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувларни Ягона тизимга киритиш**

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатида (бундан буён матнда хабардор этиш тартибидаги текширувлар рўйхати деб юритилади) белгиланган текширувларни ўтказиш учун назорат қилувчи орган томонидан Ягона тизимга мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган маълумот киритилади.

19. Хабардор этиш тартибида текширув ўтказилиши ҳақида Ягона тизимга маълумот киритилгандан сўнг унинг тўғрилиги текширилмасдан, автоматик равишда махсус рақам (код) генерация қилинади.

20. Назорат қилувчи органнинг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғи, шунингдек, ишончли маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки текширув ўтказиш юзасидан тасдиқланган график Ягона тизимга киритилгандан сўнг текширув амалга оширилади.

21. Хабардор этиш тартибидаги текширувлар рўйхатида кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувлар тўғрисида ваколатли органни хабардор қилиш ҳар бир орган томонидан алоҳида амалга оширилади.

22. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хабардор этиш тартибидаги текширувлар рўйхатида назарда тутилган масалалар бўйича мурожаатлари асосида текширувларни ўтказиш ваколатли органни хабардор этиш тартибида амалга оширилади.

Агар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида бир нечта масала кўрсатилиб, улардан камида биттаси келишиш тартибида текширув ўтказилишини талаб қилса, текширув ваколатли орган билан келишилган ҳолда ўтказилади.

### **6-боб. Тадбиркорлик субъектларининг Ягона тизимдан фойдаланиши**

23. Тадбиркорлик субъекти ўз сўровига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни Ягона тизимдан қисқа хабар (SMS) кўринишида ва реал вақт режимида Интернет тармоғи орқали олиши мумкин.

24. Ушбу ахборотни олиш учун тадбиркорлик субъекти Ягона тизимда рўйхатдан ўтади.

25. Ягона тизим тегишли тадбиркорлик субъектига оид маълумотларнинг тизимда мавжудлигини автоматик равишда солиштиради.

Агар киритилган маълумотлар тўғри бўлса, тадбиркорлик субъекти текширув, уни амалга оширувчи орган, шунингдек, барча ўтказилган текширувлар тўғрисидаги маълумотлардан текшириш кунидан бошлаб фақат танишиш учун фойдаланадилар.

26. Агар тадбиркорлик субъектининг сўрови бўйича Ягона тизимда рўйхатга олинмасдан текширув ўтказилганлиги аниқланса, Ягона тизим бу ҳақда ваколатли органнинг масъул ходимини автоматик равишда хабардор қилади.

Ваколатли органнинг масъул ходими уч иш куни ичида Ягона тизимда рўйхатга олинмасдан ўтказилган текширувларни ўрганиш натижалари бўйича қўлланилган чоралар ҳақида маълумотларни киритади.

### **7-боб. Ваколатли органларнинг назорат қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

27. Бош прокуратура Ягона тизимда сақланадиган барча маълумотлардан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тегишли ҳудудга оид маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

28. Назорат қилувчи органларнинг марказий аппарати ўз тизими бўйича барча маълумотлардан, назорат қилувчи органларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари ўз ваколатларига тааллуқли маълумотлардан фойдаланади.

29. Назорат қилувчи органларнинг марказий аппарати (марказий бошқармалар) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш учун Бош прокуратурага Ягона тизим орқали буюртма юборилади.

30. Назорат қилувчи органларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари томонидан бир кунлик текширувлар бўйича буюртмалар Ягона тизим орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларига, бир кундан ортиқ бўлган текширувлар бўйича назорат қилувчи органнинг марказий аппарати орқали Бош прокуратурага Ягона тизим орқали киритилади.

31. Назорат қилувчи органнинг туман (шаҳар) бўлинмаси ташаббуси билан ўтказиладиган текширувлар буюртма ва текширувга асос бўлган ҳужжатларни ушбу органнинг вилоят даражасидаги бўлинмасига тақдим этиш орқали амалга оширилади.

### **8-боб. Яқуний қоидалар**

32. Назорат қилувчи орган томонидан киритилган маълумотлар Ягона тизим билан ишлаш жараёнида унинг ўзи томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Киритилган маълумотни ўзгартириш ёзма равишда Бош прокуратура раҳбарияти билан келишилиши лозим.

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 24 ноябрдан 30 ноябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 11-мх, 11/ққ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралиқ, босқичли ва якуний назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3090.***

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 6 ноябрдаги 72, 01-02/12-65, 139, 11-сон «Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3091.***

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 26 ноябрдаги 125-н-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) 2-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-3.***

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 533-мх-сон «Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юриштиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3092.***

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош

директорининг 2018 йил 30 октябрдаги 2018-12-сон «Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачисининг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-5.*

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 31 октябрдаги 205-сон «Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3093.*

### II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2032, 2009 йил 3 ноябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2032-1, 2010 йил 1 декабрь), (рўйхат рақами 2032-2, 2013 йил 12 июль), (рўйхат рақами 2032-3, 2015 йил 20 апрель).

*Адлия вазирининг 2018 йил 28 августдаги 428-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

